Ушбу сонда:
2 ОРОЛБЎЙИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА
3 TV-ДАСТУРИ
4 ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 5 июн, шанба № 91 (1724)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 4 июн куни Оқсаройда Россия Федерацияси, Қозоғистон Республикаси, Тожикистон Республикаси хавфсизлик кенгаши котиблари Игор Иванов, Булат Утемурадов, Амиркул Азимов, Қирғизистон Республикаси Хавфсизлик кенгаши котибининг ўринбосари Мукамбек Қосималиев ва Хитой Халқ Республикаси жамоат хавфсизлиги вазирининг ўринбосари Ян Хуаньнинни қабул қилди.

Меҳмонлар Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) саммити арафасида Марказий Осиёдаги геосиёсий вазиятга, хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликка оид долзарб масалаларни муҳокама қилиш учун Тошкентда йиғилди.

Мамлакатимиз Президенти хавфсизлик борасида давлат раҳбарлари даражасида кўриладиган кўплаб масалалар бўйича қарашлар ва ёндашувларни ўзаро мувофиқлаштириш учун қулай имконият яратган бу учрашув томонларнинг умумий манфаатлар йўлидаги интилишларини яна бир карра тасдиқлаганини таъкидлади.

ШҲТ доирасидаги муносабатларда хавфсизликни мустаҳкамлашдаги ҳамкорликни ривожлантириш долзарб масалалардандир. Шу нуқтаи назардан қараганда, саммит арафасида бевосита шу соҳага мутасадди вакилларнинг бир жойга йиғилиши, ўзаро фикр алмашиши муҳим воқеа.

Меҳмонлар қабул учун Президент Ислом Каримовга миннатдорлик билдирдилар. Ўзбекистон илгари сураётган таклиф ва ташаббуслар ШҲТни ривожлантиришда муҳим омил бўлишига барча аъзо давлатлар қатъий ишонишини таъкидладилар.

Учрашувда ШҲТ саммитига тайёргарлик ва минтақавий хавфсизликка доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ КОТИБЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ ҲАҚИДА АХБОРОТ

Ўзбекистон ташаббуси билан 2004 йил 3-4 июн кунлари Тошкент шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШҲТ) аъзо давлатлар хавфсизлик кенгашлари котибларининг биринчи учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда Қозоғистон Республикаси Хавфсизлик кенгаши котиби Б.Утемурадов, Хитой Халқ Республикаси жамоат хавфсизлиги вазири ўринбосари Ян Хуаньнин, Қирғизистон Республикаси Хавфсизлик кенгаши котибининг ўринбосари М.Қосималиев, Россия Федерацияси Хавфсизлик кенгаши котиби И.Иванов, Тожикистон Республикаси Хавфсизлик кенгаши котиби А.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик кенгаши котиби Р.Мирзаев иштирок этди.

Мажлис Ўзбекистон томони раислигида ўтказилди.

Учрашув қатнашчилари ШҲТнинг доимий фаолият кўрсатувчи органлари иш бошлагач, ташкилот ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйгани - турли соҳаларда амалий ҳамкорлик кенгайиб, чуқурлашиб бораётганини таъкидладилар. Бўлажак Тошкент саммити ШҲТнинг янги имкониятлари ва ривожланиш истиқболларини белгилашда, унинг хавфсизлик, барқарорлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги мавқеини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Учрашув давомида халқаро ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш нуқтаи назаридан ШҲТ ҳудудида ва унга қўшни минтақаларда вазиятнинг ривожланишига оид долзарб масалалар юзасидан батафсил фикр алмашилди.

ШҲТга аъзо мамлакатларнинг халқаро террорчилик, айирмачилик ва экстремизм, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланмаси, оммавий қирғин қуроллари тарқалиши хавфи, ёлланма-чилик ҳамда минтақавий ва глобал хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид соладиган бошқа иллатларга қарши курашдаги ҳамкорлигини мустаҳкамлашнинг энг муҳим масалалари кўриб чиқилди.

Учрашув қатнашчилари дунёда террорчиликнинг фаоллашуви ўз жиноий фаолиятида ёвуз ва маккорона услубларни тобора кўпроқ қўллаётган халқаро террорчилик ташкилотлари кучини қайтадан тўплаётганидан далолат беришини қайд этдилар.

Бундай шароитда ШҲТга аъзо мамлакатларнинг янги таҳдид ва хавф-хатарларга қарши биргаликда курашиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Учрашув иштирокчилари халқаро террорчилик ва айирмачиликка, экстремизм ва ақидапарастлик ғояларига қарши курашда ШҲТга аъзо мамлакатлар ҳуқуқ-тартибот органлари, махсус хизматлари ва бошқа тузилмаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида ягона ёндашув ва қўшма дастурларни ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидладилар.

Мазкур вазифаларни бажариш ШҲТнинг Тошкентдаги Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси амалий фаолиятининг асосий йўналишини ташкил этади.

Учрашув давомида иқтисодий ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, минтақада интеграция жараёнини жадаллаштиришда ШҲТнинг ўрни ва аҳамиятини кучайтириш зарурлиги қайд этилди. Зеро, бу ШҲТга аъзо мамлакатларда ва, умуман, минтақада тинчлик, барқарорлик ҳамда хавфсизликни таъминлашнинг муҳим шартидир.

Учрашув иштирокчилари Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ва мамлакатни тиклаш бўйича ижобий жараёнларни қўллаб-қувватлашларини билдирдилар. Афғонистоннинг марказий ҳукуматига иқтисодиётни тиклашда амалий ёрдам кўрсатиш, ушбу мамлакатни минтақавий интеграция жараёнига жалб этиш унинг ҳудудидан чиқаётган ва халқаро барқарорлик ҳамда хавфсизликка таҳдид солаётган иллатларни бартараф этишда муҳим омил бўлиши мумкин.

ШҲТнинг бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар ва давлатлар билан ҳамкорлик қилиши зарурлиги борасида яқдил фикр билдирилди.

ШҲТга аъзо мамлакатлар хавфсизлик кенгашлари котибларининг учрашувларини мунтазам ўтказиб туришга келишиб олинди. Бундай учрашувларни ўтказиш Тартиби тасдиқланди.

Анжуман иштирокчилари ШҲТнинг Тошкентда 2004 йилнинг бошидан буён фаолият кўрсатаётган Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг Ижроия қўмитасида бўлдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ШҲТга аъзо мамлакатлар хавфсизлик кенгашлари котибларини қабул қилди.

САММИТГА ТАЙЁРГАРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизматида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг (ШҲТ) Тошкент саммитига тайёргарлик кўриш ва уни оммавий ахборот воситаларида ёритиш масалаларига бағишланган семинар-кенгаш бўлди.

Уни Президентнинг матбуот котиби Рустам Жумаев бошқарди.

16-17 июн кунлари Тошкент жаҳон оммавий ахборот воситаларининг диққат марказида бўлади. ШҲТ саммити чоғида нафақат ташкилот доирасидаги учрашувлар, балки қатор икки томонлама мулоқотлар ҳам ўтказилиши режалаштирилмоқда. Жумладан, саммит арафасида ХХР раиси Ху Цзинтаонинг мамлакатимизга давлат ташрифи бўлиб ўтади.

ШҲТ саммитида унинг аъзолари бўлган Ўзбекистон, Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистондан ташқари, Афғонистон ва Мўғулистондан ҳам давлат раҳбарлари қатнашиши кутилмоқда.

Саммит тадбирларини ҳар томонлама ва кенг ёритишга қулайлик яратиш мақсадида юртимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот маркази ташкил этилди. Марказ уч юзга яқин журналист фаолият кўрсатиши учун барча зарур замонавий техника ва телекоммуникация воситалари билан таъминланмоқда.

(ЎзА)

Меҳнат ардоқлаган кишилар



Меҳнаткашлик ва яратувчилик халқимизга хос азалий фазилат саналади. Юртимизнинг қай бир гўшасида бўлманг, бунга тўлиқ ишонч ҳосил қиласиз. Қўли қадоқ деҳқонлар, боғбонлар, уста чорвадорлару моҳир пиллакорлар туну кун иш билан машғул. Улар етиштираётган неъматлар овозаси етти иқлимга машҳур. Ўзбек пахтасию пилласи бугунги кунда жаҳон бозоридан юқори сифати билан ўрин эгаллаган бўлса, сархил меваю сабзавотлар узоқ юртларга етиб борган.

Суратларда: Деҳқонобод туманидаги «Қизилча» ширкат хўжалиги чўпони Нормўмин Эшқувватов; жаркўрғонлик моҳир пиллакор Матлуба Юсупова.

Шавкат СУЛТОНОВ ва Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар

Юртимиз хурриятга юз тутган илк кунларданок ўсиб келаётган ёш авлод ҳакида ғамхўрлик килиш Президент Ислом Каримов ташаббуси билан давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

ҲАР БИР ФАРЗАНДГА МЕҲР, ЭЪТИБОР!

«Туркистон» саройининг ёзги саҳнасида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган катта байрам тадбири бўлиб ўтди. У «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси, «Sen yolg`iz emassan» республика жамоатчилик болалар жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Маданият ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди.

«Ҳар бир фарзандга меҳр, эътибор!» шиори остида ўтган тадбирда юртимиздаги барча меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, вазирлик ва ташкилот мутасаддилари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова мамлакатимизда оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган ишлар кўлами хусусида сўз юритди. «Sen yolg`iz emassan» республика жамоатчилик болалар жамғармаси ҳомийлик кенгаши раиси Л.Каримова болаларни байрам билан қутлаб, «Бахт-иқбол ҳуқуқига эгаман» республика кўрик-танлови ғолибларига мукофотларни топширди.

Меҳр ва мурувват йилида соғлом авлодни камол топтириш борасидаги эзгу ишлар кўлами янада кенгайди. Бу юмушлар «Меҳр ва мурувват йили» дастурида ҳам ўз ифодасини топган.

Байрамда болалар бадиий жамоалари мусиқий дастурларини намойиш этдилар.

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов иштирок этди.

(ЎзА)

БОЛАЛАРГА ҒАМХЎР БЎЛАЙЛИК

«Интерконтинентал» меҳмонхонасида икки кун давом этган «Етим болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш» халқаро конференцияси якунланди. У «Sen yolg`iz emmassan» республика жамоатчилик болалар жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш комплекси томонидан БМТ Болалар жамғармаси /ЮНИСЕФ/, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги кўмагида ташкил этилган эди. Конференция Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган бўлиб, Меҳр ва мурувват йили тадбирлари дастури доирасида ўтказилди. Тадбирда республикамиз давлат ва жамоат тузилмалари раҳбарлари, Ўзбекистонда фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Анжуманни ўтказишдан кўзланган мақсад ота-она меҳридан маҳрум бўлган болаларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларини таъминлаш борасида мувофиқлаштирилган стратегияни ишлаб чиқишдан иборат эди. Унинг бажарилиши етим болаларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳар томонлама жисмонан, маънан ва ақлий ривожланиши ҳамда ижтимоий мослашишига йўналтирилган режали сиёсатни амалга оширишга йўналтирилади.

Конференцияда таъкидланганидек, Ўзбекистонда бу борада жамиятимизнинг деярли барча субъектлари учун умумий ҳисобланган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Мақсадли давлат дастурлари бажарилаётир, ота-она меҳридан маҳрум болаларга шахснинг тўлиқ шаклланиши учун шароитлар яратишда ёрдам берадиган барча хайрли ташаббуслар ҳукумат даражасида қўллаб-қувватланяпти. Анжуманда хорижлик иштирокчилар ўз чиқишларида мустақиллик йилларида Ўзбекистонда бу борада тўпланган тажриба кўпгина мамлакатларда қизиқиш уйғотиб, ўрганишни талаб этаётганини таъкидлади. Айни пайтда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва кенгайтиришга оид халқаро амалиётнинг айрим жиҳатлари ҳам республикамиз учун истиқболли ҳисобланади. Бу эса маҳаллий ташкилотларнинг ушбу йўналишдаги фаолиятини такомиллаштириш имконини беради.

Анжуман доирасида учта секция ишлади. Ота-она қаровисиз қолган болаларни ижтимоий мослаштириш ва ривожлантириш, уларни соғломлаштиришнинг янги тиббий ва нотиббий шаклларини жорий қилиш, шунингдек, давлат ва ноҳукумат ташкилотларнинг бундай болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ижтимоий ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Конференциянинг якуний йиғилишида оиладан ташқарида вояга етаётган болалар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида давлат тузилмалари ҳамда жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини янада кенгайтиришни кўзда тутувчи Меморандум имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова таъкидлаганидек, ишлаб чиқилган ўзаро ҳамжиҳатлик стратегияси мамлакатимизда болаликни ҳимоя қилиш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини янада оширади.

(ЎзА)

«Ишонч»га жавоб берадилар

КАМЧИЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

Газетамизнинг шу йил 24 апрелида «Шийпон-шиппийдон...» сарлавҳаси остида берилган танқидий мақолада Андижон вилоятидаги баъзи ширкат хўжаликларидаги дала шийпонларининг аянчли аҳволи ҳақида баён қилинганди.

Таҳририятимизга ушбу мақола юзасидан келган жавоб хатида шундай дейилади:

«Андижон туман ҳокимлиги тегишли мутахассислар билан биргаликда мақолани жойида атрофлича ўрганиб чиқди.

Ҳақиқатдан ҳам, мақолада қаламга олинган Бобур номли ширкат хўжалигининг дала шийпонлари давр талабига жавоб бермаслиги, меҳнаткашларнинг дам олишлари учун шароит яратилмаганлиги ўз тасдиғини топди. Камчиликларни бартараф этиш борасида бир қанча ишлар амалга оширилди.

Жумладан, ҳозирги кунда ушбу ширкат хўжалигининг 2 ва 3 бош пудрат дала шийпонлари таъмирланиб, ободонлаштириш ишлари бажарилди. Пудратчиларнинг дам олишлари учун шарт-шароитлар яратилди ҳамда иссиқ овқат билан таъминлаш ташкил этилиб, улар учун транспорт ажратилди. Шунингдек, мавжуд бўлган оналар ва болалар хонаси ҳам тартибга келтирилиб, жиҳозланди.

Туман ҳокимлиги бу каби камчиликларни бартараф этиш учун барча чора-тадбирларни амалга оширади.»

Х.ҲАКИМОВ, Андижон туман ҳокими

Томорқа — хазина

БЕКНАЗАР БОБОНИНГ ИБРАТИ

Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, деганларидек оёқостидаги имкониятни ҳамиша ҳам илғаб олавермаймиз. Озгина ери бор одам ўзининг моддий аҳволидан сўз очилганда «қўли калталик» ҳақида гапирса, ачинамиз хатто. Томорқаси бўла туриб, фақирона турмуш кечираётганига ҳам унинг ўзи айбдордир. Ҳаётнинг ҳамма неъматлари, ҳатто фаровонлик ҳам сидқидил меҳнат туфайли бунёд бўлади.

Пастдарғом туманининг Болтали қишлоғида «агроном бува» деб ном чиқарган инсон яшайди. Бекназар бобо 30 йилдан зиёдроқ ширкат хўжалигида ишлади. Ҳозир нафақада. 8 қиз, 5 ўғилни улғайтирди.

– Нимагаки эришган бўлсам, рўзғорим учун нимаики орттирган бўлсам, ҳаммаси ерга меҳр қўйганлигим туфайли, - дейди Бекназар бобо. – Ҳалол меҳнатнинг баракаси бошқача бўлади.

Бекназар бобо ўз томорқасида асосан кўчат етиштиради. Шунинг ўзи оилага ҳар йили 500 минг сўмдан зиёдроқ соф фойда келтиради. Етиштирилаётган мевали дарахт кўчатлари орасида қарағайсимонлар оиласига мансуб арча ниҳоллари ҳам бор. Томорқанинг бир қисми бодринг, помидор, қулупнай учун ажратилган. Мевали дарахтлар анчагина. Деҳқончиликда суяги қотган Бекназар бобо эндиликда томорқасида гулчилик билан шуғулланишни бошлади. Турфа гулларнинг янги навлари уруғини Фарғона ва Сурхондарёдан, ҳатто қўшни давлатлардан келтирди. Нафақат гулчилик, балки гул уруғчилиги ҳам оилага қўшимча даромад келтирмоқда.

Отахон 1996 йилда ширкат хўжалигидан бир гектар ерни ижарага олиб, терак қаламчалари эккан эди. Бу кўчатлар ҳозир роса ёғочбоп бўлган. Бўлтур анчасини кесишди. Шундан 130 та терак маҳаллага, 50 таси 75-мактабга, 500 таси 20 та кам таъминланган оилаларга ҳадя этилди.

Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири

Ёзги соғломлаштириш — юксак масъулият

«ҚУЁШЧА»ГА МАРҲАБО

Қуёш, ҳаво, тиниқ сув, сўлим табиат фарзандларимизнинг жони-дили. Бундай масканда болаларимиз яйраб-яшнайдилар, бардам-бақувват бўлиб улғаядилар. Андижон катта йўли ёқасидаги Ўрмон хўжалигида «Қуёшча» оромгохининг очилиши боиси ҳам шундан.

Теракзордан иборат ўрмон хўжалиги қарийб 3 гектар майдонни эгаллаган. Дов-дарахтларнинг шовуллаши, ям-яшил майсазорлар, сайроқи қушларнинг хониши болажонларимизнинг умумий уйимиз – она табиат билан ошно қилиши шак-шубҳасиз. Боз устига ўрмон жониворлари, юртимизнинг наботот оламидан зурриёдларимиз хабар топиб, уларда экологик тарбия шаклланади.

Оромгоҳ 240 ўринга эга. Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитаси тасарруфида. Ёзги мавсумда болалар 3 навбатда дам олдирилади. Жорий йилда ҳар бир навбатда 125 нафардан болакай ҳордиқ чиқариши режалаштирилган. Аниқроғи, вилоятдаги мавжуд банк муассасалари ходимларининг 375 нафар дилбанди ёзги таътилни шу ерда ўтказади.

Тармоқ касаба уюшмалари оромгоҳни янги мавсумга ҳозирлашда катта ташкилотчилик юмушларини бажариш, оромгоҳ йўлланмаларини тақсимлаш, харажатларни тасарруф этиш, хизмат кўрсатиш ходимлари таркибини шакллантиришга бош-қош бўлдилар. Шу кунларда мўлжалдаги йўлланмалар ўз эгаларининг қўлига теккан. Меҳр ва мурувват йили муносабати билан ижтимоий ҳимояга олинган оилаларнинг фарзандларини соғломлаштириш диққат марказимизда. Меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернатларда тарбияланаётган камҳарж хонадонларнинг 30 нафар фарзанди касаба уюшмаларининг ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан бепул соғломлаштирилади.

Бунинг учун 12 миллион сўмлик бюджет маблағлари сарфланмоқда. Ҳар бир боланинг кунлик овқатланишига 1200 сўм ажратилган. Дастурхондан сариёғ, гўшт, сут, қандолат маҳсулотлари, сархил мевалар узилмайди. Таъминотчи корхоналар, ҳомийлар билан озиқ-овқат маҳсулотларининг узлуксиз етказиб берилиши юзасидан шартномалар тузилган. «Шаҳрихонсут» ҳиссадорлик жамияти сут, пишлоқ, қаймоқ, «Бўзнон» маҳсулотлари корхонаси иссиқ нон, булочка, печенье, ширин кулчалар билан таъминлайди. Болакайлар музқаймоқ, яхна ичимликлар, шарбатларга ўч бўлишади. Улар ҳам дастурхонга тортилади.

Энг муҳими, дам олувчиларни бўш вақтини кўнгилли ўтказиш учун маданий-маърифий, ташкилий, тарбиявий, оммавий-спорт тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Кутубхона, Маънавият хонаси дам олувчилар ихтиёрида бўлади. Адабиёт ва санъат намоёндалари билан учрашувлар, «Давра суҳбатлари», «Қувноқлар ва зукколар» баҳслари, қизиқарли кечалар, кўрик-танловлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди, деб ўйлайман. Волейбол, футбол ўйингоҳлари, турли секциялар спорт ишқибозлари ошиёнига айланади. Табиат қўйнига сайру саёҳатлар, экскурсиялар уюштириш ниятларимиз бор.

Хуллас, ворисларимизнинг ёзги дам олиш мавсумини шоду хуррамлик билан ўтказиб, табиат иноъомларидан баҳраманд бўлишлари, куч-қувватга тўлиб оила қучоғига соғ-омон қайтишлари учун барча ишни қиламиз.

Камолиддин СИРОЖИДДИНОВ, Бўз туманидаги «Қуёшча» оромгоҳининг бошлиғи

Бандлик

Меҳнат – ижтимоий муҳофаза кафолати. Шу боис ҳам янги иш ўринлари яратиш, ишсизликка барҳам бериш бугунги куннинг асосий вазифасига айланган. Бу муҳим тадбирга жойларда қандай муносабатда бўлинаяпти. Хусусан, меҳнат бўлимларининг «Бандлик» дастури доирасидаги фаолиятидан қониқиш ҳосил қилиб бўладими? Мирзобод туман меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофазалаш бўлими бошлиғи Акмал Абдуҳоликов билан суҳбатимиз ана шу ҳусусда бўлди.

ИШСИЗЛИККА БАРҲАМ БЕРИЛДИ

– Сир эмас, кейинги икки йилда туман иқтисодиётида олдинга силжиш кузатилди. Бу одамларни иш билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш имконини берадими?

– Таъкидлаш жоиз, айрим хўжаликлар фермер хўжаликларига айлантирилганди. Бунгача қолоқ хўжаликларнинг дала ишчилари ойлик маошидан қарзи бир неча юз миллионларни ташкил этиб улгурганди. Ер ўз эгалари қўлига ўтгач, тумандаги ўн минг нафардан зиёд киши ойлик маош билан таъминланадиган юмушларга жалб этилди.

Жорий йилда эса меҳнатга ҳақ тўлаш янада такомиллаштирилди. Яъни кунлик иш ҳақи тўлаш жорий этилди. Тумандаги 673 та фермер хўжалигида ғўза парвариши билан машғул бўлган ишчиларга далада иш ҳақи тарқатиш жорий этилди. Бу эса одамларни дала ишларида фаол иштирок этишга ундамоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармонига асосан жорий йилда яна 2 та хўжалик ерлари мулк эгалигига даъвогарларга тендер асосида тақсимлаб берилди. Тугатилган хўжаликлар негизида 42 та фермер хўжалиги иш бошлади. Улар ўз сафларига 500 нафарга яқин доимий ҳақ тўланадиган ишчиларни бирлаштирди.

– Иш билан таъминлашда бевосита меҳнат бўлимининг ўрни қандай бўлаяпти?

– Ўтган вақт ичида 223 нафар киши расман ишсизлик рўйхатига олинганди. Корхона ва ташкилотлар билан олиб борилган самарали ҳамкорлик натижаси ўлароқ 171 нафар фуқарони ишга жойлаштиришга муваффақ бўлдик. 49 нафар фуқарога вақтинчалик ишсизлик нафақаси тайинланди. Хоҳиш ва истакларга кўра 2 нафар ёшларга ўзлари танлаган касб бўйича қисқа муддатли ўқув курсларида таҳсил олиш имкони берилди. 17 киши эса ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди.

Ҳудуддаги ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотлар билан келишилган ҳолда мунтазам «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар» ярмаркасини ташкил этиб келаяпмиз. Бу усул ҳам ўз самарасини бераяпти. Меҳнат бозорига мумкин қадар кўпроқ аҳолини жалб этиш, корхоналар тўғрисида батафсилроқ тушунча бериш ҳаракатидамиз. Шунингдек, ҳудудимиз туташ Гулистон шаҳридаги саноат корхоналари билан ҳамкорлик ўрнатганмиз. Негаки, ишсизлар учун касби-кори, салоҳиятига қараб шаҳарда ҳам ишлаш имкони мавжуд. Бир марталик иш билан таъминлаш маркази ҳам фаол ишлаяпти. Чунки айрим фуқаролар меҳнат қилишнинг ана шу усулида фаолият кўрсатишни афзал билишади. Қисқа фурсатда улар ўзи ва оиласи эҳтиёжига яраша маблағни топишлари мумкин. Эътиборли жиҳати, бундай юмушларга буюртмачилар ҳам, бажариш истагида бўлувчилар сони ҳам кўпайиб бораяпти.

– Янги иш ўринлари яратиш имкони изланаяптими? Қолаверса, қишлоқ хонадонлари бандлик даражаси қай аҳволда?

– Ўтган биринчи чорак мобайнида туман бўйича 380 та янги иш ўрни яратилди. Шундан савдо соҳасида 13 та, тадбиркорлик субъектлари томонидан 70 та, фермер хўжаликларида 236 та ва қурилиш соҳасида 55 та иш ўрни яратилди. Бу жойлар бўлимимиз томонидан тавсия этилган ходимлар билан тўлдириб борилаяпти.

Қишлоқ хонадонлари бандлик даражасини ҳам назардан четда қолдирмаяпмиз. Яқинда аҳоли тиғиз марказдан олис бўлган «Янги ҳаёт», «Дўнг ариқ» маҳаллаларида мониторинг ўтказдик. Ўрганилган 80 та оилада 123 нафар ишга лаёқатли, аммо айни чоғда ишсиз қолган киши аниқланди. Улар билан мулоқот олиб борилиб, қизиқиши ўрганилди. Ана шу хонадонлардаги ишсиз ҳисоблаб келинган 97 нафар кишини ўзлари истаган ишларга жалб этдик. Айни чоғда вакилларимиз яна бир қатор маҳаллаларда мониторинглар олиб боришаяпти. Муддао уйда ўтириб қолган, жамият ҳаётидан узилиб қолган айрим кишиларни сафга тортиш, улар истақлари асосида ишга жалб этишдан иборат.

Суҳбатдош: Н.ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири



Чуст туман газ корхонаси томонидан хонадонларни газлаштириш борасида қизғин иш олиб борилмоқда. Ҳозирда туманда 20 минг хонадон «зангори олов»дан баҳраманд бўлмоқдалар. Корхонада 102 нафар ишчи-ходим учун барча шарт-шароитлар яратилган. 47 нафар зарарли ишда ишловчилар сут-қатиқ ва махсус кийим-бош билан таъминланган.

Суратларда: чилангар Барат Эсонбердиев, бўлим бошлиғи Адҳам Ҳолмуродов, назоратчи Отабек Султонов, мутахассис Баҳодир Болтаев.

И.ҲАСАНОВ олган суратлар

«ОҚТОШ МЕВА» ДОВРУҒИ

Тадбиркор Равшан Узоқовнинг ғоялари амалга ошиши натижасида нарпайлик деҳқонларга катта қулайлик яратилди. Туман раҳбариятининг ёрдами билан 2002 йилда «Оқтош мева» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси ишга тушди. Йил бошида тумандаги таъмирлаш заводининг бўш ётган биноси сотиб олинди. Италиянинг «FBP-ELPO S.p.A» фирмасидан замонавий технологик линия келтириб ўрнатилди. Ишлар жадал авж олиб кетди.

Ўтган йили қўшма корхона Нарпай тумани ширкат ва фермер хўжаликларидан 10 минг тонна, Пахтачи, Окдарё, Хатирчи туманлари деҳқонларидан 5 минг тонна помидор қабул қилиб олди. Қўшма корхона бевосита қишлоқ ҳудудида жойлашганлиги туфайли сифатли хом ашё қабул қилади. Маҳсулот асосан Киев ва Тольятти шаҳарларига жўнатилмоқда.

Бу йил 25 минг тонна помидор қабул қилиш режалаштирилган. Шунингдек, келгусида ишлаб чиқарилаётган томатни бежирим идишларга қадоқлаш мўлжалланмоқда.

Қ.РУСТАМОВ

Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳиссадорлик жамиятлари бошқариш тизимини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги қарорининг ижроси акциялардан олинадиган дивидентлар салмоғини ошириш, жамоа аъзоларининг ўз фаолиятига ижодий ёндашуви, ташкилотчилик ва ташаббускорлигини кучайтириш омили бўлди.

Хомашёни қайта ишлаш, тозалаш, чигитдан ажратиш, тола, момиқ олиш мураккаб жараён. 1961 йилда пахта тозалаш заводи сифатида шаклланган «Тўрткўл оқ олтини» корхонаси ҳиссадорлик жамиятига айлантирилганидан сўнг ишчилар, инженер-техник ходимларнинг касбга иштиёқи ва малакаси ортди. Юқори сифат, тола харидоргирлигини ошириш учун қайта ишлаш технологияси такомиллашди.

ОРОЛБЎЙИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА

моддий манфаатдорлик ортмоқда

Тайёрланган пахта толасининг асосий қисми Америка Қўшма Штатлари, Франция, Англия, Жанубий Корея, Швейцария каби ўндан ортиқ хорижий давлатларга экспорт қилинаётган корхонада юксак ишчанлик вазияти, меҳнат кўтаринкилиги вужудга келган.

– Тежамли, ихчам технология, хом ашёга сифатли ишлов бериш, маҳсулотни сақлаш, қуритиш ва тозалашга алоҳида эътибор берилаяпти, - дейди биз билан суҳбатда ҳиссадорлик жамияти раиси, техника фанлари номзоди Улуғбек Тожиев. – Корхона бозор иқтисодиёти жараёнига мослаштирилиб, моддий ресурслар ва материаллардан самарали фойдаланилаяпти.

Жамият раиси ўз фаолиятини оддий ишчиликдан бошлаган. Пахтани қайта ишлаш мутахассислиги бўйича олий маълумот олгач, илмий-тадқиқотлар олиб борди. Отаси Сотим ака Тожиев корхона тамал тошини қўйганлардан. Оғир хасталик туфайли ҳаётдан эрта кўз юмган фидойи инсоннинг бошлаган хайрли ишларини садоқатли фарзанди давом эттирмоқда.

Сув танқислиги туфайли ўтган йили пахтадан мўл ҳосил олинмади. Шунга қарамасдан ҳиссадорлик жамиятида 12720 тонна хомашё қайта ишланиб, 4018 тонна тола ишлаб чиқарилди. Бизнес режа 100,5 фоизга бажарилди. Бундан ташқари, 380 тонна момиқ, 6652 тонна чигит олинди.

Материал-техника сарфини камайтириш, энергиядан тежаб-тергаб фойдаланиш, ишлаб чиқариш қувватини ошириш учун янги технологияларни қўллаш самара бермоқда. Режадаги 3 миллиард 199 миллион 900 минг сўмлик ўрнига 3 миллиард 302 миллион 288 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Янгитдан нотўқима мато ишлаб чиқариш ва сим қирқиш цехлари ташкил этилди. Ёрдамчи цехларда 104 миллион сўмлик хом истеъмол моллари аҳолига етказиб берилди. Шунингдек, рўзғорбоп пахта тайёрланиб, савдо тармоқлари орқали сотилди.

Олинган 34 миллион 34 минг сўмлик соф фойданинг 20 миллион 420 минг сўми дивидент тўловларига ажратилди. Ҳар бир акцияга қарийб минг сўмдан дивидент тўланди. Эришилган ютуқларда кўп йиллардан бери касбини шарафлаб келаётган чилангарлардан Аминбой Эшқуллаев, Йўлдош Рўзимбетов, пресcловчи Даврон Собуров, пахта юкловчи Отахон Сувонов, бунт босувчи Орзмуҳаммад Авезовларнинг ҳиссаси каттадир. Жамиятда ишлаётган 500 дан ортиқ ишчининг 120 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Аёллар меҳнатини енгиллаштириш, уларга қўшимча таътил бериш, даволаш, ёш болаларни тарбиялашлари учун қатор имтиёзлар яратилган. Тиббий пункт, гигиена хонаси ишлаб турибди.

Илғор хотин-қизлардан Олтиной Ҳокимбоева, Татьяна Логучина, Нуржон Ешимбетова, Бибижон Казакова кабилар яратиб берилган шароитдан мамнун эканликларини алоҳида таъкидладилар. Барча қулайликларга эга бўлган спорт зали, сауна, саломатлик маркази, сартарошхона, фирма дўкони, ошхона ва чойхона одамлар хизматида.

Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигини таъминлашга 1,9 миллион, шахсий ҳимоя воситалари харид қилишга 4 миллион 812 минг, махсус ва парҳез таомлар учун 30 миллион 46 минг, экологик ҳолатни яхшилашга 650 минг, ишчиларни тиббий кўрикдан ўтказишга 246 минг сўм маблағ сарфланди. Унумли меҳнат ва самарали ҳордиқ муваффақиятларни мустаҳкамлабгина қолмай, ходимлар моддий турмуши даражасини яхшилаш имконини ҳам бермоқда.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

ТЎРТ ОЙДА 1400 та иш ўрни

Пешку туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари 1311 тани ташкил қилмоқда. Бу эса 2003 йилдагига қараганда қарийб 34 фоизга кўп демакдир. Бу ҳақда "Туркистон-пресс"га Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш вилоят мувофиқлаштирувчи кенгашидан маълум қилинди.

2004 йилнинг январ-апрел ойлари давомида туманда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг 242 та субъекти рўйхатдан ўтказилган. Бу белгиланган режага нисбатан 171 фоиз кўп. Улардан 82 фоизини деҳқон ва фермер хўжаликлари ташкил этади. Ҳисобот даври мобайнида тумандаги тадбиркорлик тузилмалари 208 миллион 500 минг сўмлик хизмат кўрсатдилар, бу ўтган йилдаги кўрсаткичга қараганда 13,7 фоизга кўпдир.

Янги фирмалар ташкил қилиш ҳисобига 1400 та иш ўрни яратилди.

Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар

ТОПИБ АЙТИЛГАН СЎЗ

кўнгил торини чертмай қўймайди

«Севас» қишлоқ фуқаролар йиғини Китоб туманидаги Навоий номли хўжалик ҳудудида жойлашган. Омилкорлик, эртани ўйлаб иш юритилаётганлиги боис хўжалик қўлга киритаётган ютуқлар анча салмоқли. Мисол учун ўтган йили 640 миллион сўм даромад қилинди. Шундан 60 миллион сўмини соф фойда ташкил этди. Даромад борми, демакки ижтимоий аҳвол ҳам ёмон бўлмайди. Хўжалик маъмурияти 37 миллион 233 минг сўм маблағни ободонлаштириш ишларига сарфлади. Хусусан, Севас-Нурали йўналиши бўйича 1200 метр йўлга асфальт ётқизилди. 96 нафар кам таъминланган, 2 нафар ёлғиз, 176 нафар ногирон, 7 нафар етим ва 684 нафар пенсионер ижтимоий ҳимояга олинди. Кам таъминланганлардан 8 нафари «Қашқадарё сохили», «Мироқи», «Турон» ва бошқа сиҳатгоҳларда саломатликларини тиклади. Ёлғизлардан Ойсара Ғаниева ва Қаюм Сатторовларга имкон қадар моддий ёрдам кўрсатилди. Ҳозирда уларга ҳар ойда бир марта 8 турда озиқ-овқат маҳсулотлари берилмоқда.

Хўжалик маъмурияти ҳар бир савоб ишни амалга оширишда қишлоқ фуқаролар йиғини ҳамда бошланғич касаба уюшма қўмитаси билан бамаслаҳат иш юритмоқда.

Қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 12 минг 966 нафар аҳоли истиқомат қилади. Йиғин қошидаги 20 нафар аъзодан иборат яраштирув комиссияси севасликлар ўртасида меҳр-оқибатни барқарор этиш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда. Бу борада йиғин раиси Насриддин Қаландаров ва хотин-қизлар қўмитаси раиси Чучук Умароваларнинг хизмати катта бўлаётир. Яраштирув комиссиясига 17 та ариза тушди. Уларнинг барчаси оилавий можаролар тафсилоти эди. Жаҳл чиққанда, ақл кетади, дейдилар. Рост гап. Жаҳл оқибатида муносабатлари дарз кетиши, ўртадан меҳр-оқибат кўтарилиши мумкин. Бунга мисоллар кўп.

Қодир бобо топилмас одам эди. У Облоқулни «ўғайсан» демади, оқ ювиб, оқ тараб ўстирди. Оталик меҳрини берди, ҳатто ўй-жойини ҳам тортиқ қиладиган бўлди. Аммо уларнинг ўртасидан ола мушук ўтди. Кичик учқун тобора алангага айланиб борди. Пировардида яраштирув комиссиясининг аралашувига тўғри келди. Хайриятки, кўрсатилган саъй-ҳаракат зое кетмади. Ота-ўғил муросага келди. Оилада тотувлик ўрнатилди. Р. 3 нафар фарзанди бўла туриб, қармоққа илинди. Хотини устига хотин олди. Ўша куни уйида гўё «Яхши гап билан илон инидан чиқар» деганларидек, сўзнинг қудрати зўр. Топиб айтилган сўз кўнгил торини чертмай қўймайди. Бировнинг бахти бахт бўлмаслигини тушунган «иккинчи хотин» уйдан чиқиб кетди. Адашган эр инсофга келди. Она ўз уйига, болалари бағрига қайтди.

Севас – жаннатвор гўша. Кўкка бўй чўзган пурвиқор тоғлар, эшилиб оқаётган шиддаткор дарё, ямяшилликка бурканган боғ-роғлар ҳақиқатдан ҳам беҳиштни эслатади. Шунинг учун бўлса керак, бу ердаги одамларнинг сувратигина эмас, балки сийрати ҳам гўзал. Улар ўзига тўқ, ҳунарманд, ижодкор. Масалан, Тўрақул Ҳамроев бунёд этган боққа таъриф йўқ. У етиштираётган сархил узумлар барчага маъқул бўлаётир. Меҳнат орқали асти кам бўлишаётган йўқ. Мўмайгина даромад қилиб, фаровон кун кечиришмоқда. Боз устига, у кўприк қурдириб, кўпни мамнун этди. Мебелсоз уста Фазлиддин Муҳаммадиев ясаётган стол-стул, парта ва бошқа турдаги мебеллар харидоргир бўлаётир. Дарвоқе, 3-4 нафар ёшга иш ўргатиб, тирикчилик қилиши учун имкон яратди. Мармар устаси Муҳаммади Юсуповни ҳам барча ҳурмат қилади. У 15 кишига, бошқа бир уста Собир Ҳамроев эса 10 нафар кишига иш ўргатди.

Ҳудудда 6 минг нафарга яқин воя етмаганлар бор. Улар мавжуд 5 та мактабда, касб-ҳунар коллежида таълим олишмоқда. Ўсмирлар қишлоқ фуқаролар йиғини қошидаги клубда фаолият кўрсатаётган турли тўгаракларга жалб этилган. Шунингдек, кутубхона ҳам ҳамиша ўқувчилар билан гавжум. Спорт секциялари мунтазам ишлаб турибди. Айтганча, спорт шинавандалари сони кун сайин ошиб бораётганлиги инобатга олиниб, яқинда Сариосиё қишлоғида болалар спорт мажмуи қурилиши бошлаб юборилди.

Воя етмаганлар билан ишлашда педагог-тарбиячи Соҳиб Зариповнинг ҳам ҳаракати эътиборли бўлаётир. У мактабга бормай, уззукун тентираб юрадиган 7 нафар лўли миллатига мансуб болада билим олишга иштиёқ уйғотди. Пировард натижада болалар мактабга қатнай бошлади.

Шарофат ИСКАНДАРОВА,
«Ишонч» мухбири

Мактуб йўлга чорлади

БИР-БИРИГА ЗИД

икки хил буйруқ

Тахриятга Қашқадарё вилояти Косон туманининг «Ровот» маҳалласида яшовчи Кумри Назаровадан шикоят хати келди. «Кизим Гулноза Мардонова туман юқумли касалликлар шифохонасида 8 йилдан бери ошпаз ёрдамчиси бўлиб ишлаб келар эди, — деб ёзади у. - 2003 йил 16 ноябрида «сарик» касали билан оғриб, ушбу шифохонага тушди. Даволовчи шифокор М.Ортиков йўл қўйган камчиликлар сабаблли 1 декабр куни кизим дунёдан кўз юмди.» Шунингдек, К.Назарова М.Ортиков аввалига эгаллаб турган вазифасидан озод этилиб, бошка ишга ўтказилганлиги, сўнгра вилоят тармоқ ходимлари касаба уюшма кўмитаси аралашуви билан ўз ишига тикланганлиги, бу адолатдан эмаслиги хакида ёзади.

... Косон туман марказий шифохонаси бош шифокори вазифасини бажарувчи Сайфулла Эргашев, негадир бизни хушламайгина қарши олди. Муддаомизни эшитгач, дангалига кўчди:

— Очиғи, бу иш бўйича текшир-текширлардан чарчадик. Мана 3-4 ойдирки, тушунтириш хатлари ёзиш билан оворамиз. Гулноза Мардонованинг ўлими билан боғлиқ масалага тўхталадиган бўлсам, даволовчи шифокор М.Ортиковга нисбатан ўз вақтида интизомий чора кўрганмиз. У клиник конференцияда муҳокама қилиниб, бошқа ишга ўтказилган.

Дарҳақиқат, туман марказий шифохонаси клиник конференциясининг 2003 йил 12 декабрдаги 11-рақамли баённомасида кўрсатилишича, даволаш жараёнида шифокор М.Ортиков томонидан айрим хато-камчиликларга йўл қўйилган. Шу асосда у 17 декабр куни 182-т/1 буйруғи билан ишдан бўшатилган. Қарангки, худди шу санада туман соғлиқни сақлаш бўлимида айни шу масалага дахлдор яна бир буйруқ (225-к/2 дея рақамланган) чиқарилган. Унда «Ортиков М. ЮКШ инфекционист врачи вазифасидан озод этилиб, ўтказиш йўли билан туман шифоатхонаси юқумли касалликлар хонаси инфекционист врачи вазифасига 17.12.03 йилдан ишга ўтказилсин» дейилган. Таажжуб, бир кунда икки хил буйруқ! Боз устига, аввалги буйруқни бекор қилиш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган.

Шу ўринда ҳақли эътироз туғилади кишида: модомики, инфекционист врач М.Ортиков томонидан йўл қўйилган хато-камчиликлар уни ишдан бўшатишга асос деб топилган, бунга тармоқ касаба уюшма қўмитасининг розилиги олинган бўлса, нима учун бу буйруқнинг ижроси амалга оширилмади, аксинча, у бекор ҳам қилинмасдан, худди шу куни шифокорни бошқа вазифага ўтказиш тўғрисидаги иккинчи буйруқ чиқарилди? Буни қандай тушуниш мумкин?

Меҳнат Кодексининг 181-моддасида интизомий жазо чораси сифатида ходимни бир ишдан иккинчисига ўтказиш ноқонуний хатти-ҳаракат эканлиги белгилаб қўйилган. Демак, туман соғлиқни сақлаш бўлимининг ўша вақтдаги мудири Собир Раҳимов томонидан меҳнат қонунчилиги талаблари қўпол равишда бузилган. Қолаверса, иш берувчи томонидан ходимга нисбатан бирон-бир интизомий жазо қўлланилганлиги ёхуд меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги тўғрисидаги буйрукда Меҳнат Кодексининг қайси моддалари, бандлари асосида амалга оширилаётгани изоҳланиши талаб этилгани ҳолда, бу негадир «унутилган».

Яна бир гап. Амалдаги қонунчилик талабларидан фақат тумандагилар бехабарми десак, минг афсуски, вилоят соғлиқни сақлаш бош бошқармаси мутасаддилари ҳам хабарсиз кўринади. Акс ҳолда, Қ.Назарованинг шу йил 15 январдаги шикоят хатига жавобан «...ишда йўл қўйган хато ва камчиликлари учун М.Ортиков ўз вазифасидан озод этилиб, туман поликлиникасига юқумли касалликлар хонаси инфекционист врачи вазифасига ўтказилган» дея ёзишмасди. Негаки, бошқарма бошлиғи имзолаган ушбу хат йўлланаётган сана — 18 февралда М.Ортиков бузилган ҳақ-ҳуқуқларини тиклаган, фаолиятини аввалги ишида, яъни туман юқумли касалликлар шифохонаси бўлим мудири вазифасида давом эттираётган эди. Вилоят ССББнинг жавоб хатидаги яна бир жиҳатга эътибор беринг: «23.12.2003 (?) йилдан бемор аҳволи динамикада оғирлашганлиги сабабли беморга интенсив даволаш чоралари қўлланилган...» Хўш, бу ҳолни қандай изоҳлаш мумкин: масъулиятсизликми ёки фуқаро мурожаатига беписандлик?..

Юқоридаги мулоҳазаларимиз билан бирон-бир кишини айблаш ниятидан йироқмиз. Фақат мутасадди раҳбарларнинг юзага келган мураккаб вазиятни ўз вақтида тўғри ва холис баҳолай олмаслиги, масъулиятсизлиги ҳамда қатъиятсизлиги, энг муҳими, қонун талабларидан етарли даражада хабардор эмаслиги, охир-оқибат жамоадаги соғлом муҳитга жиддий путур етказганлиги, кўплаб чалкашликларга олиб келганлигини таъкидламоқчимиз, холос. Акс ҳолда, қизининг бевақт ўлимидан аламзада она юқори ташкилотларга шикоят хатлари йўллаб ойлаб саргон бўлмаган, туман шифокорлари эса текширувчилардан юрак олдирмаган бўлардик.

Камол ОЛЛОЁРОВ,
«Ишонч» мухбири

Сирдарё вилояти Ширин шаҳрида ўтган асрнинг 70-йилларида қурилган кўп қаватли турар-жой биноларидан бирида қувурлар алмаштирила бошланди. Коммуналчилар яроқсиз ҳолга келган металл қувурлар ўрнига полиэтилендан ясалганларини қўйишмоқда.

ПОЛИЭТИЛЕН ҚУВУРЛАР

ҳам арзон, ҳам чидамли

- Бунга мажбур бўляпмиз, - дейди шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари И.Бозоров. - Бизда техник мақсадлар учун таркибида тузлари кўп бўлган сув ишлатилади. Бунинг устига ер ости сувлари захиралари ҳам юзада жойлашган. Буларнинг ҳаммаси металл тез занглашига олиб келади, канализация ва иситиш тизимлари муддатидан олдин ишдан чиқади.

Полиэтилен қувурлар зангламайди. Бу тажриба шаҳар ҳокимлиги учун 30 миллион сўмга айланади. Бу маблағларни ҳомийлар -Сирдарё ГРЭСИ маъмурияти ажратди. Бу уйда асосан энергетикларнинг оилалари яшайди. Полиэтилен қувурларни Жиззахдаги «LRS» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси етказиб бермоқда.

(ЎзА)

ЎРИМ БОШЛАНДИ

Бу йил 50 минг гектар майдонда ғалла парваришлаб, давлатга шартнома асосида 60 минг 800 тонна ҳосил топширишни ният қилган қорақалпоғистонлик деҳқонлар бўғдой ўримига киришдилар.

Мавсумни Элликқалъа тумани ғаллакорлари бошлаб бердилар. Улар жорий йилда давлатга 3 минг 421 тонна дон топширишга аҳд қилишган.

Ҳосилнинг асосий қисмини «КЛААС» комбайнлари ёрдамида ўриб-янчиб олиш кўзда тутилган. Бу ишда Қорақалпоғистон Республикаси «Агроинтехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси ғаллакорларга яқиндан ёрдам бермоқда.

Дўст ачитиб гапиради

Жарқўрғон Сурхондарё вилоятининг энг йирик туманларидан бири ҳисобланади. Туман аҳолиси 153 мингдан ортиқроқ бўлиб, шундан қарийб 126 минг нафари қишлоқ жойларида истиқомат қилади. Кўриниб турибдики, туман аҳолисининг асосий қисмини қишлоқ аҳли ташкил этади.

ИЧИМЛИК СУВИ МУАММОСИ

қачон ўз ечимини топади?

Хўш, туманда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш аҳволи қай даражада? Қолаверса, Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг амалдаги ижроси таъминланаяптими? Шу ва шу каби саволларга жавоб топиш илинжида туман Давлат санитария эпидемиология назорати маркази бош врачи Тошболта Аҳмедовга мурожаат этдик. У туман ҳокимлигига яқиндагина тақдим этилган шу тўғридаги маълумотноманинг бир нусхасини берар экан, гап орасида «Бу масала бошқа туманларга нисбатан бизда анча ижобий ҳал этилган», деб қўйди. Бироқ, минг афсуски, маълумотномага кўз югуртирар эканмиз, бунинг тамомила акси эканлигининг гувоҳига айландик. Масалан, «Сурхон» фермер хўжаликлари уюшмаси аҳоли энг кўп яшайдиган маскан. Бу ердаги 12 та маҳаллада салкам 28 минг нафар киши яшайди. Мазкур маҳаллаларда жами 24 та артизеан қудуқ бор. Қарангки, ҳозирги кунда уларнинг бор-йўғи 4 таси ишлайди, холос. 7,6 километрлик сув қувурлари эса умуман яроқсиз аҳволда. Шунингдек, сув иншоотларининг ҳам аксар қисми эскирган, хлоратор мосламалари издан чиққан. Устига устак, бир неча йилларидан буён бирон кило ҳам хлор (сувни зарарсизлантирувчи кимёвий модда) кирим қилинмаган. Сув қувурлари ёрилганда профилактик дезенфекция ўтказилганлиги қайд қилинадиган махсус дафтар тутилмаган. Бундан хулоса қилинадики, бундай профилактик ишлар ҳам ўлда-жўлда. Тағин, маълум бўлишича, сув иншооти ходимлари лозим бўлган тарзда даврий тиббий кўрикдан ўтмаганлар. Энг ачинарлиси, ПМК-274 га қарашли аҳоли масканида истиқомат қилаётган 1063 нафар киши ариқ ва зовурлардаги сувни истеъмол қилишмоқда.

Хуллас, бу биргина «Сурхон» фермер хўжаликлари уюшмаси ҳудудидаги аҳвол. Афсуски, А.Навоий, Н.Бойқўрдов ва Т.Шобуров номли, шунингдек, «Шарқ юлдузи», «Оқтепа», «Халқобод» ширкат хўжаликларидаги аҳволни ҳам бундан яхши деб бўлмайди. Мисол учун, «Халқобод» ва «Шарқ юлдузи» ширкат хўжаликларининг «Халқобод» ҳамда «Боботоғ» маҳаллалари аҳли ичимлик суви сифатида очиқ ҳавзалардаги сувдан фойдаланишмоқда.

Ҳақли савол туғилади: иссиқ тобора забтига олаётган ёз кунларида истеъмолга умуман яроқсиз сувдан фойдаланаётган юртдошларимиз, уларнинг фарзандлари саломатлигига ким кафолат бера олади? Умуман, Жарқўрғонда тоза ичимлик суви муаммоси қачон ўзининг ижобий ечимини топади?

Тўлқин ЖАЛИЛОВ,
«Ишонч» мухбири

TV дастури

7-13 июн

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 7

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.45 "Таҳлилнома".
8.45, 17.55 ТВ маркет.
8.50 "Кусто командасининг сув ости саргузаштлари". Ҳужжатли телесериал.
9.40 "Бизнес ҳафта".
10.00,12.00,14.00,18.00 Янгиликлар
10.05 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
11.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси халқ чолғулари оркестрининг концерти.
11.55, 13.55 ТВ анонс.
12.05 "Кўрсатувдан-кўрсатувгача".
12.25 "Нурли манзиллар".
12.45 Эстрада тароналари.
13.05 "Дастурхон атрофида".
13.15 "Кисмат". Телесериал.
14.10 "Ободлик кўнгилдадир".
14.35 Кундузги сеанс: "Кўринмас одам". Бадиий фильм.
16.00 "Қалб гавҳари"
16.20 Мусиқий танаффус. "Болалар сайёраси":
16.30 1. "Улғайиш поғоналари". 2. "Олтин тож". Телевизион ўйин.
17.25 "Шахсий фикр".
18.10 Мумтоз наволар.
18.25 "Спорт - менинг ҳаётим".
18.45 "Мулкдор".
19.05 "Бахтли воқеа". Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 "Ахборот".
21.05 2004 йил - Меҳр ва мурувват йили. "Ҳиммат".
21.25 "Кўшиғимиз Сизга армуғон".
21.50 "Ифтихор".
22.15 "Ўзбекистон" телеканалида илк маротаба: "Кисмат". Телесериал. (Япония)
23.00 "Ахборот-дайжест".
23.20-23.25 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

16.30 Кўрсатувлар дастури
16.35 «Давр» ҳафта ичида
17.05 Жаҳон жуғрофияси
17.55 Мульттомоша
18.10 «Янги авлод» почтаси
18.25 Озод юрт одамлари
18.45 ТВ-афиша
18.50 Мумтоз наволар
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 Давр
19.35 «Давр» - репортаж
19.45 Ишга марҳамат!
19.50 ТВ-анонс
19.55 Мусиқий лаҳзалар
20.05 Сув – ҳаёт манбаи
20.10 Ёшлар овози
20.30 ТВ-адвокат
20.35, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.40 «Ёлғон асираси» Телесериал
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим
21.50 Олтин мерос
22.00 Давр
22.40 ТВ-анонс
22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Интерфутбол
0.25-0.30 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал. «Луиза Фернанда».
17.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
17.55 «Хориж хабарлари».
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Халқ саломатлиги йўлида».
18.30, 20.00, 20.55, 21.35 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.20 ТТВда сериал. «Бебилиска пул».
20.20 «Мурувват».
21.15 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
21.55 ТТВда сериал: «Рей Бредбери театри».
22.20 Кинонигоҳ. «Юз бир кеча».
23.55-24.00 Хайрли тун, шаҳрим!

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида).
9.00 Гандбол. Ўзбекистон чемпионати.
9.30 Баскетбол. Ўзбекистон чемпионати.
10.00 NHL. Хоккей
11.20-13.00 А.Збруев. «Маэстро-ўғри» фильмида.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар» (рус тилида).
17.20 «Жонзотлар билан сайр». Ҳужжатли сериал.
17.50 «Мени кутгил».
18.50 «Миллионга кир ювиш».
19.00 А.Фрейндлих, С.Говорухин «Аёллар мантиғи» сериалида.
20.00 «Время».
20.30 «Болалар спорти»
20.45 «Спортимиз маликалари».
21.00 «Хабарлар».
21.15 «Бизнес-ревю».
21.20 «3-тайм».
21.40 Жаҳон спорти: «Проф-РИНГ».
22.40 «Sport TV»да премьера: «Тезликка иштиёқ». Бадиий фильм.
00.20 «Тунингиз осуда бўлсин!».

СЕШАНБА, 8

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 "Кусто командасининг сув ости саргузаштлари". Ҳужжатли телесериал.
9.50 "Тасанно". Катта ашула.
10.00, 12.00 ,14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 "Мулкдор". "Ёзги таътил кунларида":
10.25 "Ёш юлдузлар-2004".
11.25 "Индамас соҳибжамол". Мультфильм.
11.35 "Портретга чизгилар".
11.55 ТВ анонс.
12.05 2004 йил - Меҳр ва мурувват йили. "Ҳиммат".
12.25 "Қишлоқ ҳаёти".
12.45 "Рақслар жилоси". М.Турғунбоева номидаги ёш рақҳосалар республика кўрик-танлови.
13.20 "Кисмат". Телесериал.
14.10 "Муносабат".
14.40 "Экран хандаси". "Болалар сайёраси":
15.05 1. "Кўшиғим - жон кўшиғим". 2. "Қувноқ стартлар".
16.05 "Рангин дунё"
16.25 "Ит уяси". Телесериал.
16.50 ТВ анонс.
16.55 "Ватанимга хизмат қиламан".
18.10 "Остонаси тиллодан".
18.30 "Сиҳат-саломатлик".
18.50 "Тафсилот".
19.05 "ТВ Бинго миллионер". Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
20.30 "Ахборот".
21.05 "Истеъмолчи".
21.25 Бир жуфт қўшиқ.
21.35 "Буюк аждодларимиз"
21.55 "Келин-куёв".
23.05 "Ахборот-дайжест".
23.25-23.30 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури
7.00 «Мунаввар тонг» Информацион-дам олиш дастури
8.30 «Янги авлод» студияси: Уй вазифаси
8.50 ТВ-анонс
8.55 Иқлим
9.00 Давр
9.25 «Давр»-репортаж
9.35 Тонгги сериал: «Доктор Финли»
10.25 Мульттомоша
10.40 «Учинчи сайёра» маърифий дастури
11.25 «Камалак» болалар ташкилоти – 3 ёшда
11.35 ТВ-адвокат
11.40 «Ёлғон асираси». Телесериал
12.20 Сен ёлғиз эмассан
12.40 Ёшлар овози
13.00 Давр
13.10 Болалар учун мультсериал: «Шарки ва Жорж»
13.35 Сув - қаёт манбаи
13.40 «Янги авлод» почтаси
14.00 Интерфутбол
15.40 Қишлоқдаги тенгдошим
16.00 Давр
16.10 «Ўнта негр боласи». Бадиий фильм 1-серия
17.10 ТВ-анонс
17.15 Кўрсатувлар дастури
17.20 «Янги авлод» студияси: Соғлом авлод
17.40 Ёшлар куйлаганда
18.00 Таянч
18.10 Янги алифбони ўрганамиз
18.25 Ёшлар овози
18.45 ТВ-афиша
18.50 Мумтоз наволар
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 Давр
19.35 «Давр»- интервью
19.50 Ишга марҳамат!
19.55 ТВ-анонс
20.00 Мусиқий лаҳзалар
20.10 ТВ-адвокат
20.15 Дийдор
20.35, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.40 «Ёлғон асираси». Телесериал
21.30 Марди майдон
21.50 Олтин мерос
22.00 Давр
22.40 ТВ-анонс
22.45 «Олтин».Бадиий фильм
0.15 Футбол-плюс
0.35-0.40 Хайрли тун

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал. «Луиза Фернанда».
17.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
17.55 «Хориж хабарлари».
18.00, 20.50 «Экспресс» телегазетаси
18.15 «Билим» теклуби.
18.30, 20.00, 21.05, 21.45 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.20 ТТВда сериал. «Бебилиска пул». (якунловчи).
20.20 «Туризм ҳақида».
21.25 «Инсон ва қонун».
22.05 ТТВда сериал: «Рей Бредбери театри».
22.30 Кинонигоҳ. «Дарахтга тирмашиб».
23.55-24.00 Хайрли тун, шаҳрим!

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида).
9.05 «Болалар спорти».
9.20 Гандбол. Ўзбекистон чемпионати.
9.50 «Спорт - менинг ҳаётим».
10.10 Баскетбол. Ўзбекистон чемпионати.
10.40 «Спорт - клуб».
10.50 «Х - Спорт».
11.20-13.00 М.Булгакова «Тасодифий муҳаббат» фильмида.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар».
17.20 «Жонзотлар билан сайр». Ҳужжатли сериал.
17.50 «Клон». Сериал.
18.50 «Миллионга кир ювиш».
19.00 А.Фрейндлих, С.Говорухин «Аёллар мантиғи» сериалида.
20.00 «Время».
20.30 «Болалар спорти».
20.45 Спорт - менинг ҳаётим: Олимп сари йўл.
21.00 «Хабарлар».
21.15 «Бизнес-ревю».
21.20 Кураш. Ўзбекистон чемпионати.
21.40 «Эртага футбол».
21.50 «Шотакам каратэ». Халқаро турнир.
22.20 «Баҳодирлар ўйини».
22.50 Жаҳон спорти: «Еврофутбол».
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА, 9

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 "Кусто командасининг сув ости саргузаштлари". Ҳужжатли телесериал.
9.50 Қўшнай наволари.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 "Тафсилот". "Ёзги таътил кунларида":
10.20 "Уддабурон болалар". Бадиий фильм. 1-қисм.
11.50, 13.50 ТВ клип.
12.05 "Соғлом она - соғлом бола".
12.25 Мусиқий танаффус.
12.35 "Буюк аждодларимиз".
12.55 ТВ анонс.
13.00 "Ўғрини ушла". Телесериал.
14.10 "Истеъмолчи".
14.30 Кундузги сеанс: "Марсга саёҳат".Бадиий фильм.
16.10 "Ягона оилада".
16.40 "Оламни асранг!" "Болалар сайёраси":
17.00 1. "Болаликнинг мовий осмони".
2. "Сеҳрли ҳарфлар оролчаси".
18.10 "Ҳунарманд".
18.30 "Куйла, ёшлигим".
18.55 "Тадбиркор ва қонун".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
20.00 "Оқшом эртаклари".
20.15 "Юзма-юз".
20.30 "Ахборот"
21.05 "Журналист таҳлили".
21.25 "Ўлмас оҳанглар". Ф.Тошматов.
21.55 "Парламент вақти".
22.15 "Барчинойнинг шартлари".
22.55 "Ахборот-дайжест".
23.15-23.20 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури
7.00 «Мунаввар тонг» Информацион-дам олиш дастури
8.30 «Янги авлод» студияси: Соғлом авлод
8.50 ТВ-анонс
8.55 Иқлим
9.00 Давр
9.25 Тонгги сериал: «Доктор Финли»
10.15 «Давр»- интервью
10.30 Болалар учун фильм. «Сеҳрли тун»
11.30 Таянч
11.40 «Ёлғон асираси». Телесериал
12.20 Футбол-плюс
12.40 Ёшлар овози
13.00 Давр
13.10 ТВ-анонс
13.15 Болалар учун мультсериал: « Шарки ва Жорж»
13.40 Бизнес - академия
14.00 Сув – ҳаёт манбаи
14.05 Дийдор
14.25 Мусиқий лаҳзалар
14.30 «Экспедиция» Ҳужжатли сериал
15.20 Озод юрт фарзандлари
15.40 Янги алифбони ўрганамиз
15.55 ТВ-анонс
16.00 Давр
16.10 «Ўнта негр боласи». Бадиий фильм. 2-серия
17.10 ТВ-анонс
17.15 Кўрсатувлар дастури
17.20 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар
17.40 «Бузоқча». Мультфильм
17.55 Тенгдошлар
18.15 Сийрат
18.35 Каталог
18.45 ТВ-афиша
18.50 Мумтоз наволар
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 Давр
19.35 Ишга марҳамат!
19.40 Автопатрул
20.00 Спорт-лотто
20.10 Мусиқий лаҳзалар
20.15 Очил дастурхон
20.35, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.40 «Ёлғон асираси». Телесериал
21.30 Ёшлар овози
21.50 Олтин мерос
22.00 Давр
22.40 ТВ-анонс
22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Ринг қироллари
23.35 «Мовий тоғлар ёки ҳақиқатдан узоқ воқеа». Бадиий фильм
01.05-01.10 Хайрли тун

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби
17.20 ТТВда сериал. «Луиза Фернанда».
17.45 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
17.55 «Хориж хабарлари».
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Мусиқий меҳмонхона».
18.30, 20.00, 20.55, 21.40 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.20 ТТВда сериал. «Муҳаббат тарихи».
20.20 «Химоя».
21.15 «Аёл она, мураббий раҳбар». Телеклуби.
22.00 ТТВда сериал: «Рей Бредбери театри».
22.25 Кинонигоҳ. «Бўйдоқ».
23.55-24.00 Хайрли тун, шаҳрим!

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида).
9.05 «Болалар спорти».
9.20 Гандбол. Ўзбекистон чемпионати.
9.50 «Олтин тўп» теннис клуби.
10.05 Баскетбол. Ўзбекистон чемпионати.
10.35 «Қувноқ стартлар».
11.10 «Спорт-антракт».
11.10-13.00 Р.Янковский «Қора «Волга»даги одам» фильмида.
16.55 Кўрсатувлар тартиби
17.00 «Хабарлар» (рус тилида).
17.05 «Спорт - антракт».
17.20 «Жонзотлар билан сайр». Ҳужжатли сериал.
17.50 «Клон». Сериал.
18.55 Футбол. Жаҳон чемпионати саралаш учрашуви. Ўзбекистон-Фаластин (тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади)
20.50 «Спорт - клуб».
21.00 «Хабарлар».
21.15 «Бизнес - ревю».
21.20 А.Фрейндлих, С.Говорухин «Аёллар мантиғи-2» сериалида.
22.20 Футбол. Ўзбекистон чемпионати «Нефтчи» - «Андижон».
23.05 Жаҳон спорти: «Еврофутбол».
00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!».

ПАЙШАНБА, 10

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ маркет
8.40 Газеталар шарҳи.
"Болалар сайёраси":
9.00 1. "Болаликнинг мовий осмони". 2. "Сеҳрли ҳарфлар оролчаси".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 "Тафсилот". "Ёзги таътил кунларида":
10.20 "Уддабурон болалар". Бадиий фильм. 1-қисм.
11.50, 13.50 ТВ клип.
12.05 "Соғлом она - соғлом бола".
12.25 Мусиқий танаффус.
12.35 "Буюк аждодларимиз".
12.55 ТВ анонс.
13.00 "Ўғрини ушла". Телесериал.
14.10 "Истеъмолчи".
14.30 Кундузги сеанс: "Марсга саёҳат".Бадиий фильм.
16.10 "Ягона оилада".
16.40 "Оламни асранг!" "Болалар сайёраси":
17.00 1. "Болаликнинг мовий осмони".
2. "Сеҳрли ҳарфлар оролчаси".
18.10 "Ҳунарманд".
18.30 "Куйла, ёшлигим".
18.55 "Тадбиркор ва қонун".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
20.00 "Оқшом эртаклари".
20.15 "Юзма-юз".
20.30 "Ахборот"
21.05 "Журналист таҳлили".
21.25 "Ўлмас оҳанглар". Ф.Тошматов.
21.55 "Парламент вақти".
22.15 "Барчинойнинг шартлари".
22.55 "Ахборот-дайжест".
23.15-23.20 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури
7.00 «Мунаввар тонг» Информацион-дам олиш дастури
8.30 «Янги авлод» студияси: Соғлом авлод
8.50 ТВ-анонс
8.55 Иқлим
9.00 Давр
9.25 Тонгги сериал: «Доктор Финли»
10.15 «Давр»- интервью
10.30 Болалар учун фильм. «Сеҳрли тун»
11.30 Таянч
11.40 «Ёлғон асираси». Телесериал
12.20 Футбол-плюс
12.40 Ёшлар овози
13.00 Давр
13.10 ТВ-анонс
13.15 Болалар учун мультсериал: « Шарки ва Жорж»
13.40 Бизнес - академия
14.00 Сув – ҳаёт манбаи
14.05 Дийдор
14.25 Мусиқий лаҳзалар
14.30 «Экспедиция» Ҳужжатли сериал
15.20 Озод юрт фарзандлари
15.40 Янги алифбони ўрганамиз
15.55 ТВ-анонс
16.00 Давр
16.10 «Ўнта негр боласи». Бадиий фильм. 2-серия
17.10 ТВ-анонс
17.15 Кўрсатувлар дастури
17.20 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар
17.40 «Бузоқча». Мультфильм
17.55 Тенгдошлар
18.15 Сийрат
18.35 Каталог
18.45 ТВ-афиша
18.50 Мумтоз наволар
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 Давр
19.35 Ишга марҳамат!
19.40 Автопатрул
20.00 Спорт-лотто
20.10 Мусиқий лаҳзалар
20.15 Очил дастурхон
20.35, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.40 «Ёлғон асираси». Телесериал
21.30 Ёшлар овози
21.50 Олтин мерос
22.00 Давр
22.40 ТВ-анонс
22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Ринг қироллари
23.35 «Мовий тоғлар ёки ҳақиқатдан узоқ воқеа». Бадиий фильм
01.05-01.10 Хайрли тун

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби
17.20 ТТВда сериал. «Луиза Фернанда».
17.45 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
17.55 «Хориж хабарлари».
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Мусиқий меҳмонхона».
18.30, 20.00, 20.55, 21.40 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.20 ТТВда сериал. «Муҳаббат тарихи».
20.20 «Химоя».
21.15 «Аёл она, мураббий раҳбар». Телеклуби.
22.00 ТТВда сериал: «Рей Бредбери театри».
22.25 Кинонигоҳ. «Бўйдоқ».
23.55-24.00 Хайрли тун, шаҳрим!

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида).
9.00 Гандбол. Ўзбекистон чемпионати.
9.30 «Федерация фаолияти».
9.45 Баскетбол. Ўзбекистон чемпионати.
10.15 Спорт - менинг ҳаётим: Майдон ортидаги одам.
10.35 «Нокаут».
11.10 А.Булдаков «Хоҳласангиз севинг, хоҳламасангиз йўқ» фильмида. 1-қисм.
12.30-13.00 Ҳужжатли фильм.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар» (рус тилида).
17.20 Премьера. «Л.Зикина». Ҳужжатли фильм.
17.50 «Клон». Сериал.
18.50 «Миллионга кир ювиш».
19.00 А.Фрейндлих, С.Говорухин «Аёллар мантиғи-2» сериалида.
20.00 «Время».
20.30 «Болалар спорти».
20.50 «3-тайм».
21.00 «Хабарлар».
21.15 «Бизнес-ревю».
21.20 Жаҳон спорти: «Еврофутбол».
22.50 «Нима? Қаерда? Қачон». Финал.
24.00 «Тунингиз осуда бўлсин!».

ЖУМА, 11

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00 -8.35 "Ахборот".
8.35 , 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
"Болалар сайёраси":
9.00 1. "Оилавий спорт".
2. "Цирк, цирк, цирк".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
"Ёзги таътил кунларида":
10.05 "Уддабурон болалар". Бадиий фильм. 3-қисм.
11.25 "Таълим ва тараққиёт".
11.45 "Хоразм" фольклор-этнографик ансамблининг концерти.
12.05 "Агар-ки огоҳ сен..."
12.25, 16.10 ТВ анонс.
12.30 "КиноТеатр".
12.50 Мумтоз наволар.
13.10 "Ўғрини ушла". Телесериал.
14.10 Телемулоқот.
14.55 Кундузги сеанс: "Чаплин". Бадиий фильм. 2-қисм.
15.55 "Меҳр улашиб".
16.15 "Ит уяси". Телесериал. "Болалар сайёраси":
16.40 1. "Ёш юлдузлар". 2. "Ўйла, Изла, Топ!". Телемусобақа.
17.40 "Нурли манзиллар".
18.10 "Тиббиёт одимлари".
18.25 "Тафсилот".
18.45 "Маслак ва мақсад".
19.05 "Ҳидоят сари".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 "Дастурхон атрофида".
20.30 "Ахборот".
21.05 "Солиқ хизмати хабарлари".
21.10 "Муносабат".
21.40 Бир жуфт қўшиқ.
21.50 "ЎзДЭУавто Сиз учун".
22.05 "Қойилмақом фириб". Бадиий фильм.
23.55 "Ахборот-дайжест".
00.15-00.20 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури
8.30 «Янги авлод» студияси: Шум болалар
8.45 «Серғайрат кампир». Мультфильм
8.55 Иқлим
9.00 Давр
9.25 Тонгги сериал: «Доктор Финли»
10.15 «Давр»-интервью
10.30 «Учинчи сайёра» маърифий дастури
11.20 ТВ-адвокат
11.25 «Ёлғон асираси». Телесериал
12.05 Синфдош
12.30 Ёшлар овози
12.50 Мусиқий лаҳзалар
13.00 Давр
13.10 ТВ-анонс
13.15 Болалар учун мультсериал: «Шарки ва Жорж»
13.40 Сув – ҳаёт манбаи
13.45 Бегойим
14.05 «Экспедиция» Ҳужжатли сериал
14.55 Ўзимизники
15.05 Мусиқий лаҳзалар
15.15 «Ўзбектелефильм» студияси намойиши: «Сўзана ва чинни буюмлар»
15.30 Очун
15.55 ТВ-анонс
16.00 Давр
16.10 «Қуюшқондан чиққанда». Бадиий фильм
17.25 ТВ-анонс
17.30 Кўрсатувлар дастури
17.35 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?
17.55 Мульттомоша
18.10 Ёшлар куйлаганда
18.25 Аскар мактублари
18.45 ТВ-афиша
18.50 Мумтоз наволар
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 Давр
19.35 Солиқ хизмати хабарлари
19.40 ТВ-анонс
19.45 Ишга марҳамат!
19.50 Давр. Миллий хавфсизлик
20.10 2004 – меҳр ва мурувват йили. Азизим
20.35, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.40 «Ёлғон асираси». Телесериал
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим
21.50 Олтин мерос
22.00 Давр
22.40 ТВ-анонс
22.45 Автопатрул-плюс
23.00 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Интерфутбол
0.40-0.45 Хайрли тун

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал. «Луиза Фернанда».
17.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
17.55 «Хориж хабарлари».
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 Болажонлар экрани.
18.30, 20.00, 20.55, 22.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.20 ТТВда сериал. «Муҳаббат тарихи».
20.20 «Саломат бўлинг».
21.15 «Дорихона эшитади». Бевосита мулоқат.
22.05 «Навбатчи қисм».
22.50 ТТВда сериал: «Рей Бредбери театри».
23.15 Кинонигоҳ. «Нозик-ниҳол маликам».2-серия.
00.25-00.30 Хайрли тун, шаҳрим!

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида).
9.05 «Болалар спорти».
9.20 Гандбол. Ўзбекистон чемпионати.
9.50 «Спорт клуб».
10.05 Баскетбол. Ўзбекистон чемпионати.
10.35 «Дунё манзаралари».
11.10-13.00 «Қанотлар парвози». Бадиий фильм.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар» (рус тилида).
17.15 «Спорт - антракт».
17.20 Ҳужжатли фильм. 2-қисм.
17.50 «Болалар спорти».
18.10 Спорт - менинг ҳаётим: Зафар бекати.
18.30 «Кун мавзуси».
18.50 «Мўъжизалар майдони».
20.00 «Время».
20.30 «Маҳорат қирралари».
21.00 «Хабарлар».
21.15 «Бизнес-ревю».
21.20 «Дадиллик учун соврин».
21.45 Жаҳон спорти: «Теннис»
22.45 «Эртага футбол».
22.55 NBA.Баскетбол.
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!».

ШАНБА, 12

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ анонс.
8.40 Газеталар шарҳи.
"Болалар сайёраси":
9.00 1. "Ёш юлдузлар". 2. "Ўйла, Изла, Топ!. Телемусобақа.
10.00 "Ҳидоят сари"
10.20 "Мусиқа дунёси".
10.40 "Бу турфа олам".
11.40 "Тафсилот".
12.00 "Жиз-биз". Ҳажвий кўрсатув.
12.20 Телетанлов: "Алпомиш авлодлари". Самарқанд вилояти.
12.40 "Иложсиз муҳаббат". Бадиий фильм.
14.15 "Дўстлик" студияси: 1. "В Доброй хате". 2. "Бизнен мирас". 3. "Истоки".
15.15 "Оталар сўзи - ақлнинг кўзи".
16.15 "Изҳор". Мусиқий дастур.
16.30 "Куч - билим ва тафаккурда".
16.45 "Рангин дунё".
17.05 "Табиат шифохонаси".
17.15 "Куйла, ёшлигим".
17.30 "Қалб гавҳари".
17.50 Болалар учун. "Саргузаштлар ороли".
18.20 "Қишлоқ ҳаёти".
18.40 "Антиқа томоша".
19.10 "Ўзлотто". Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
20.30 "Ахборот".
21.05 "Гап чиқди".
21.45 "Соғинч". И.Фармонов. "Тунги ёғду". Дам олиш дастури:
22.05 "Орзулар изтироби". Бадиий фильм.
23.45 "Ахборот-дайжест".
00.05-00.10 Ватан тимсоллари

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури
8.30 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?
8.50 ТВ-анонс
8.55 Иқлим
9.00 Давр
9.25 Мусиқий лаҳзалар
9.35 Табобат оламида
10.00 Давр. Миллий хавфсизлик
10.20 «Сеҳрланган бола». Мультфильм
11.00 Жаҳон жуғрофияси
11.50 Сув – ҳаёт манбаи
11.55 «Ёлғон асираси».Телесериал
12.35 ТВ-анонс
12.40 Бахтли болалик
13.00 Ёшлар давраси
13.30 Интерфутбол
15.10«Ажойиб кичкинтойлар». Бадиий фильм
16.40 Қишлоқдаги тенгдошим
17.00 ТВ-анонс
17.05 Кўрсатувлар дастури
17.10 «Янги авлод» студияси. Меҳмонхона
17.35 Бола тилидан
18.05 Дунё ажойиботлари
18.15 Саломатлик сирлари
18.35 Каталог
18.45 ТВ-афиша
18.50 Мумтоз наволар
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 Давр
19.35 «Давр» - репортаж
19.45 Қалпоқ ҳангомалари
20.15 Кутилмаган меҳмон
20.40 Минг бир ривоят
20.45 Оҳанрабо
21.25 , 22.35 Эълонлар
21.30 «Гул мавсуми, ёмғир мавсуми». Бадиий фильм
22.00 Давр
22.40 «Гул мавсуми, ёмғир мавсуми». Бадиий фильм (давоми)
23.40-23.45 Хайрли тун

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби
17.20 Болажонлар экрани.
17.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
17.55 «Мультчархпалак».
18.15 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
18.35 «Жаҳон географияси».
19.05, 20.25 «Экспресс» телегазетаси.
19.20 «Экран зийнати ва қиймати».
19.50 «Афиша».
20.10 «Мисли гавҳар».
20.40 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
21.10 «Нима учун?».
21.40 «Бахтли бўлинг».
22.25 Кинонигоҳ. «Севги афсонаси». 1-серия.
23.40-23.45 Хайрли тун, шаҳрим!

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида).
9.00 «Спорт-клуб».
9.10 Байрам концерт дастури.
11.00 «Кўнгил-кўнгилга пайванд».
11.30 «Болалар спорти».
11.50 Гандбол. Ўзбекистон чемпионати.
12.20 «Белида белбоғи борлар».
12.40 Баскетбол. Ўзбекистон чемпионати.
13.10-13.30 «Заҳирадаги спортчи». Маҳмуд Номозов.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар» (рус тилида).
17.15 «Спорт фалсафаси».
17.25 «Спорт - клуб». Ринг.
17.55 «Ўзбекистон ифтихорлари».
18.20 Фильм.
20.00 «Время».
20.30 Футбол бўйича Европа чемпионатининг очилиши.
21.00 Футбол. Европа чемпионати. Португалия-Греция. Танаффусда «Хабарлар».
22.40 Жаҳон спорти: «Проф-РИНГ».
23.40 Футбол. Европа чемпионати Испания-Россия.
01.20 «Тунингиз осуда бўлсин!».

ЯКШАНБА, 13

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон".
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
10.00 "Ватанимга хизмат қиламан".
11.00 "Она меҳри".
11.20 "Антиқа томоша".
11.50 Мусиқий танаффус .
12.00 "Лаззат сеҳри".
12.25 "Барчинойнинг шартлари".
13.05 "Товус малика". Бадиий фильм.
14.35 "Шов-шув". Ҳажвий кўрсатув.
14.55 "Қорақалпоқнома".
15.15 "Гап чиқди".
15.55 "Дўстлик" студияси: 1. "Рангинкамон". 2 ."Дидар". 3. "Айчурэк". 4. "Чинсэн". "Болалар сайёраси":
17.15 1. "Ғаройибкентга саёҳат". 2. "Олтин тож".
18.05 "Кўшиғимиз Сизга армуғон".
18.20 "Иқтидор".
19.10 "Бизнес ҳафта".
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар
19.30 "Таҳлилнома" (рус тилида).
20.05 "Кўрсатувдан-кўрсатувгача".
20.30 "Таҳлилнома".
21.15 "Ўзбекистон - Хитой: Ҳамкорлик истиқболлари".
21.35 2004 йил - Меҳр ва мурувват йили."Яхшилик".
22.00 "Санъат дўстликка чорлайди".
22.20 "Экран хандаси". "Якшанба кинозали":
23.00 "Ер-ёр". Бадиий фильм.
00.05-00.10 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури
8.30 «Янги авлод» студияси . Меҳмонхона
8.55 Иқлим
9.00 «Давр» - репортаж
9.10 Автопатрул-плюс
9.25 Томорқа
9.35 «Ялқов», «Асалари Мая». Мультфильмлар
10.00 Очил дастурхон
10.20 Оҳанрабо
11.00 «Учинчи сайёра» маърифий дастури
11.45 Сув- ҳаёт манбаи
11.50 ТВ-анонс
11.55 «Ёшлар» телеканалида ҳарбий-ватанпарварлик дастури:
1. Марди майдон, 2. Аскар мактублари
12.35 «Заковат» интеллектуал ўйини
13.35 Мусиқий лаҳзалар
13.45 «Сайрга чиққан гўдак». Бадиий фильм
15.25 Ринг қироллари
16.15 ТВ-

Альпинист Рустам Ражабов ер юзидаги энг баланд чўққи – Эверестга чиқиб, унга юртимиз байроғини кадар экан, ўша юксакликда туриб «Салом дунё, мен ўзбекистонликман!» дея ҳайкирди. Ва бу ўзбек йигити машҳур «Қор йўлбарси»нинг издоши бўлди!

Ифтихор

«ҚОР ЙЎЛБАРСИ» ИЗИДАН

Эверест!

Она заминнинг қайсидир чеккасидаги бу чўққини болалик чоғлардаёқ кўз олдимизга келтиришга уринардик, лекин у шу қадар юксак эдики бизнинг гўдак тасаввуримизга сиғмасди. Аслида ҳар биримиз баландликларга интилиб яшаймиз. Альпинист эса дунёдаги энг улкан чўққини забт этмоқни истайди. Эверест (Жамолунгма) ана шундай улкан баландлик!

1953 йилда Янги Зеландиялик икки машҳур альпинист – Хиллари ва Норгей Тенцинг 8848 метр баландликдаги Жамолунгмага чиқишди. Чўққига қилинадиган ҳужум анча машаққатли кечишини билган икки альпинист узоқ вақт давомида тинмай машқ қилдилар. Шундан сўнг ҳеч жароҳатланмай, соғ-саломат чўққидан қайтиб тушишди.

«Қор йўлбарси» фахрий унвонини олган тажрибали альпинист Норгей ўзининг бутун ҳаётини Ҳимолай тоғларида ўтказди. Асли непаллик бўлган бу йигитнинг ортидан экспедициядаги дўстлари «унинг учта ўпкаси бор» деб гапиришарди. Тенцингнинг ўзи доим «Юксак баландликлар – менинг жойимдир, мен у ерда ўзимни ҳар жойдагидан яхши ҳис қиламан» дер эди.

Рустам Ражабов Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳрида ўсиб вояга етган. Республика махсус болалар ва ўсмирлар Олимпия заҳираси қошидаги Альпинистлар мактабида таҳсил олгач, унинг иш фаолияти бошланди. Қизиқишнинг ўзигина кифоя қилмайди. Олдинда асрий музликлар, машаққатли тоғ йўли, қидирув ва машқ сабоқлари бор. Уларни бирма-бир босиб ўтиш, альпинистлик маҳоратини эгаллай билиш лозим. Ахир музўяр асбоб билан қалин музларни ёриб, кўтарилиш учун дастлабки қадамни қўйишнинг ўзи бўладими?

1998 йилнинг май ойи. Ўн бир альпинист ўз устозлари – Анатолий Шабанов етакчилигида олис Эверест томон отланишди. Дастлабки ҳаракатлар анча қийин кечди. Текисликда туғилиб вояга етган альпинистлар баландликка чиқиш экспедицияларида машаққатли ҳолатларни бошдан кечиришади. Айниқса, уч минг метр баландликдан сўнг қия музликлар бошланди. Тик тоғ қоялари, тош қирралари, қалин қорда юриш ҳатто минг марталаб машқ қилган альпинист учун ҳам осон бўлмайди. Ҳар бир қадамдан кейин албатта уч-тўрт маротаба нафас олинади. Киши ҳолсизланади, кўнгли айниб, боши оғрийди. Шериклардан бирининг дастрўмолчаси қон, яна бири эса йиқилади-ю, ёнидагиларнинг кўмагисиз ўрнидан туролмайди. Бунинг устига қоринлари оч, бироқ иштаҳа йўқ. Овқат ейишмаса, кучдан қолишади...

Ҳавоси сийрак баландликларнинг ўзига хос маккорликлари бор!

– Альпинистнинг ҳаёти бошқаларникига ўхшамайди, – дейди Альпинистлар мактаби директори «Шуҳрат» медали, «Муз ва аланга» («Лед и Пламень») ордени соҳиби Анатолий Васильевич ўша кунларни эсларкан. – У касбига оид юмушлар билан шуғулланаётганида кислород камлигида вужудида нохушликлар сезиларди. Ҳар қадамида юз бир хатар кутиб туради. У мана шундай ҳолатда ҳам руҳан тетик бўлиши, фақат юқорига қараб интилиши зарур. Бизнинг альпинистларимиз ана шундай йўл тутишди. Ўзбек ўғлонларининг феълидаги мардлик, шижоаткорлик ва ўктамлик хислатлари уларни бир дақиқа ҳам тарк этмади. Рустам Ражабов машаққатли йўлнинг сўнггига етгач, Ўзбекистон байроғини чўққининг энг юқорисига қадаб қўйди!

Рустам Ражабов билан биз узоқ сафарга отланаётганида аэропортда учрашдик. Унга тилимнинг учида турган саволни бердим:

– Ўша кезларда кўнглингиздан қандай туйғулар кечди?

– Асрий музликлар бағрида туриб она юртимни ўйладим, – дейди у. – Олтинранг боғларимиз, тип-тиниқ сойлар, юртдошларимизнинг иссиқ чеҳралари кўз олдимдан ўтди. Қуёшли Ўзбекистонимизни қаттиқ соғинаётганимни ҳис этдим.

– Сиз «Қор йўлбарси»нинг издошларидан бири бўлдингиз. Қолаверса, ўзбек йигитининг жасоратини яна бир карра амалда исботлаб, ёш авлодга сўйлаб бергулик ёруғ хотира қолдиргансиз. Нимадан куч оласиз?

– Ҳар бир альпинист баландликни забт этиш учун отланар экан, тўрт қават киийим, оёқларига уч қаватдан жун пайпоқ, қўлларига икки қаватдан қўлқоп кияди. Елкасига эса кислород тўлдирилган асбобни осиб олади. Бу нарсалар уни ташқи таъсирлардан муҳофаза этади. Аммо шундай вақтда ичдан муҳофазаловчи куч ҳам бўлиши шарт. У қандай куч, аслида? Менимча, касбга бўлган муҳаббат, яқинларинг ишончи, она юртга муносиб фарзанд бўлиш истаги... Буларнинг ҳаммаси олдингда турган машаққатларни енгиб ўтишингга ёрдамлашади!

– Сизни илҳомлантиргувчи одамлар ҳақида нима дейсиз?

– Мени оилада кўрқмас, тўғрисўз қилиб ўстиришган. Устозим Анатолий Васильевич Шабановдан эса жуда кўп нарса ўрганганман. Ёшлигиданоқ альпинизм билан шуғулланган бу инсон ер юзидаги кўпгина баланд чўққиларни забт этган. «Юксакликка чиқиш учун юксак ирода керак!» дейди у ҳар гал бизга.

...Илк «Қор йўлбарси» Эверестни забт этганидан буён эллик йил вақт ўтди. 2003 йилда ўша машҳур альпинист туғилиб ўсган Непал мамлакатида ана шу «ярим аср» тантанаси уюштирилди. «Эверест забт этилганининг ярим асрлик тантанаси» кунларини бизнинг альпинистларимиз ҳам ҳали-ҳануз ҳаяжон билан эслайдилар.

– Эверестни забт этган альпинистлар дунёнинг барча мамлакатларидан келиб шу ерга йиғилдилар, – дейди ўзбекистонлик альпинистлар етакчиси Анатолий Шабанов. – Беш кун давомида кўнгилочар суҳбатлар, қизғин учрашувлар, баҳс-мунозараю тажриба алмашишлар ҳаммамизда ажойиб таассурот қолдирди. Охирги кунда биз-ни Непал Қироли ва Қироличаси қабул қилди ҳамда шаънимизга илиқ сўзлар айтиб, қутлади. Эверестга чиққан ўзбек альпинистларга ҳам катта мукофот – «Эверест забт этилганининг 50 йиллиги» олтин медалини олиш насиб этди!

Альпинист хотирларидан бирида шундай дейилади:

«...Қош қорая бошлади. Баландликка ҳали анча йўл бор. Куч тўплаш учун нимадир тамадди қилиш лозим. Қозончага қор тўлдириб оловга қўйдик. Беш минут ҳам ўтмасдан қор эриди ва сув қайнади. Беш минут ўтди, ўн минут ўтди, ўн беш минут... Ҳалиги чой ҳеч қизармади. Эҳ, бу қайнаган сувда тухум ҳам пишмайди. Нега? Чунки сув қайнагани билан иссиқ эмас...»

Бу кун Эверест (Жамолунгма) баландлигида – осмонларга туташиб кетган улкан чўққида Ўзбекистон байроғи ҳилпираб турибди!

Гулчехра ЖАМИЛОВА

ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

Садриддин Айний номидаги Бухоро вилоят мусиқали драма ва комедия театрида драматург Бахшулло Ражабнинг «Тавба» асари саҳналаштирилди.

ЯНГИ АСАР-САҲНАДА

Драмада гиёҳвандликнинг мудҳиш қиёфаси ва унинг аянчли оқибатлари ўз аксини топган. Гиёҳванд отадан туғилган ногирон болалар, оиладаги мусибатлар туфайли ақлдан озган келин, гиёҳванд ўғлининг онаси Фазилат опанинг фожиали ўлими, оғу сотиб, даромад кўраётган кимсаларнинг жирканч башараси томошабинни бефарқ қолдирмайди.

АЛОҚАЧИЛАР КУЧ СИНАШДИ

Қорақалпоғистонда алоқа тармоғи ходимлари ўртасида спортнинг енгил атлетика, шашка, қўл кураши, тош кўтариш ва арқон тортиш турлари бўйича мусобақа ўтказилди.

Касбдошлар орасида ўтган анъанавий спартакиадада йигирмадан ортиқ жамоа иштирок этди. Мусобақанинг бош соврини «Ўзтелеком» акционерлик компаниясининг «Қорақалпоқтелеком» филиали жамоасига насиб этди. Иккинчи ўринни «Матбуот тарқатувчи» уюшмаси, учинчи ўринни Элликқалъа тумани алоқа тармоғи ходимлари эгаллади.

ГРАН-ПРИ СОҲИБЛАРИ

Тошкент шаҳрида Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан олий педагогика ўқув юртлари талабаларининг ижодий қобилиятини ва миллий мусиқа санъатига қизиқишини рағбатлантириш мақсадида «Истеъдодларни излаймиз» республика кўрик-танлови ўтказилган эди. Унда Навоий давлат педагогика институтининг 14 нафар талабаси ҳам иштирок этди. Уларнинг мумтоз қўшиқлар, рақс ва қўшиқчилик йўналишларидаги ижроси юқори баҳоланди - танловнинг олий мукофоти - Гран-при соҳиби бўлишди.

(ЎзА)

СЎЗ ТАГИДА СЎЗ БОР

«Технология» сўзи фанга 1872 йилда кириб келди. У юнонча «технос», яъни ҳунар, санъат ҳамда «логос», яъни фан сўзидан ташкил топиб, «ҳунар фани» маъносини англатади. Янги технологияни лойиҳалаш ва улардан таълим ва тарбия жараёнида фойдаланиш маълум педагогик технологиянинг ўзига хос жиҳатларини ифода этади.

Бошқача айтганда, уларни педагогик технология принциплари деб аташ мумкин.

Принцип – юнонча «пиринспиут» сўзидан олинган бўлиб, асос, дастлабки ҳолат, бошқарувчи ғоя, умумлашган талаб каби маъноларни билдиради.

ҲАЙКАЛ ОЛДИДА

ЭСДАЛИК УЧУН СУРАТ

Испания пойтахтидаги Испания майдони жуда сўлим. Унга улуғ испан ёзувчиси Сервантеснинг «Дон-Кихот» асари шуҳрат келтирган.

Майдон ўртасида ҳайкал бўлиб, унда асар қаҳрамонлари Дон Кихот отда ва унинг қуролланган йўлдоши Санчо Панса эшакда ўтирган ҳолатда тасвирланган.

Кедр, зайтун ва бошқа кўркам дарахтлар билан ўралган бу майдонда дунёнинг турли мамлакатларидан келган сайёҳлар худди шу ҳайкаллар олдида эсдалик учун расмга тушишади.

Мадрид шаҳрида яна бир ёдгорлик бор. Майдон марказида Филипп IV ҳайкали турибди. Италияда бронзадан тайёрланган бу ҳайкалда қирол чопиб кетаётган от устида ўтирган ҳолда тасвирланган.

А.АЛИОХУНОВ

Ўзбекистон 13-миллий чемпионатининг ўн биринчи тури бўлиб ўтди. Аммо мухлислар етти учрашувдан олтитасининг натижасидан хабар топдилар. «Локомотив»-«Нефтчи» ўртасидаги учрашув бугун ўтказилади.

Футбол

ҚОЛДИРИЛГАН ЎЙИН

бу ҳали ғалаба дегани эмас

Албатта, энг мукаммал тақвим ҳам йил давомида у ёки бу сабабга кўра ўзгаришга дуч келади. Лекин ҳеч қайси миллий чемпионатда биздагичалик кўп ўзгаришларга учрамаса керак. Буни турнир жадвалига бир қарашдаёқ пайқаш мумкин. Шўрлик «Нефтчи» бор-йўғи саккиз ўйин ўтказган бир пайтда бошқа командалар унга қараганда уч марта кўпроқ қатнашиб, елкаларидаги ортиқча юкдан холис бўлишга улгуришган.

Алдамчи нигоҳ учун хатто бу имтиёздек туюлади. Ахир қолдирилган ўйинларда ғалабага эришилса, нақ қўшимча тўққиз очко дегани. Бу эса биринчи ўринга интилаётган жамоа учун айни муддаодир.

Аслида ҳам шундай бўлиши мумкинми? Ҳар ҳолда кўпни кўрган мутахассислар ва мухлислар бунга унчалик ишонишмайди. Ва тўғри қилишади. Бунга исталганча мисоллар келтириш мумкин. Биз бу билан нима демоқчимиз – иложи борича ўзгаришлардан тийилиш даркор. Биз хоҳлайлик, йўқми, охир оқибат жамоанинг толиқиши ва асабийлик гирдобида қолиши ҳам бор гап. Чарчоқ ва руҳий номутаносиблик ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди, айниқса ёш футболчиларга салбий таъсир ўтказади.

Кутилганидек, ушбу турда пешқадамлар ўзларининг навбатдаги ғалабаларини нишонладилар. «Насаф» ва «Навбаҳор» жамоалари мос равишда ўз уйларида «Самарқанд-Д» ва «Қизилқум» командаларини қабул қилган бўлсалар, «Пахтакор» клуби Термизда «Сурхон» билан учрашди. Қаршилик мухлислар шу куни уч голга гувоҳ бўлишди. Шундан иккитаси меҳмонлар дарвозасига киритилди. Худди шундай ҳисоб Термизда ҳам такрорланди. Фарқи шуки, бу гал омад пойтахт футболчиларига кулиб боқди. «Навбаҳор» эса «Қизилқум» устидан ғалаба қилди – 5:2 ҳисобида зафар қучди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Андижон»-«Бухоро» – 3:1, «Металлург»-«Машъал» – 3:2.

5 июнгача бўлган вазият

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Пахтакор»	10	9	1	0	30-2	28
2. «Навбаҳор»	11	9	1	1	30-5	28
3. «Насаф»	11	8	1	2	23-7	25
4. «Нефтчи»	8	7	0	1	20-5	21
5. «Металлург»	11	4	2	5	10-19	14
6. «Локомотив»	10	3	4	3	9-7	13
7. «Сурхон»	11	4	1	6	13-18	13
8. «Бухоро»	11	4	1	6	10-22	13
9. «Қизилқум»	11	3	3	5	15-22	12
10. «Машъал»	11	3	2	6	14-16	11
11. «Андижон»	10	3	1	6	11-20	10
12. «Трактор»	10	3	0	7	10-23	9
13. «Сўғдиёна»	10	2	1	7	5-19	7
14. «Самарқанд-Д»	11	2	0	9	8-23	6

Биласизми?

Хозирги замон оғир ва енгил саноатини темирсиз тасаввур килиб бўлмайди. Бир қарашда темир бизга яхши танишдек, аммо унинг аҳамияти нихоятда улкан экани кўпчиликка маълум эмас.

ЗАҲИРАСИ КЎП МЕТАЛ

Зотан, ер куррасида заҳираси кўплиги жиҳатидан темир фақат кремний (26,4 фоиз) ва алюминий (8,8 фоиз)-дан кейинги ўринда туради. Унинг миқдори 4,7 фоиз.

Темир табиатда соф ҳолда учрамайди. У кислород билан жуда тез киришиб кетадиган бўлганлиги учун ҳам фақат оксид ҳолатида маъдан таркибида учрайди.

Темир оксидларидан бири гематитдир. Таркибида 60 фоиз атрофида гемотит мавжуд. Қолгани алюминий ва кремний оксидларидир. Темирнинг бошқа оксидлари бўлган рудалардаги темир миқдори гемотит бор маъданлардагига қараганда анча оз.

Металлургия комбинатида уларга ишлов бериш натижасида домна печидан чўян олинади ва ундан пўлат олиш учун кислородли конверторга ёки мартен печига юборилади. Домна печларидан чиқадиган чўяннинг атиги 10 фоизи турли машина қисмлари ва керакли буюмлар қўйиш учун ишлатилади.

А.АЛИЕВ

Новеллалар

ЭНГ ТОТЛИ НЕЪМАТ

Хом сут эмган одам боласи гоҳо ҳаёт қонуниятларини тушуниб турсада негадир уни тан олгиси келмайди. Ота-она унга абадий йўлдош бўла олмаслигини билиб турса ҳам барибир бир умр бошини силаб ўтадигандек туюлаверади. Шу боисданми, иш, турмуш ташвишлари билан ўралашиб, сени дунёга келтирганлар, кипригі қатида вояга етказганлар ҳолидан баъзида ўз вақтида хабар олишга вақт тополмайсан. Менинг ҳам қадамим сийраклашиб қолган паллаларда онам аввалига пича койиган бўлардилар-да, кейин «сени иш устида туққанман, айб ўзимда» дея кулибгина қўя қолардилар. Сал муддат ҳангомалашганимиздан сўнг инқиллаб ўрниларидан қўзғолиб, эски жавонларини очардилар-да:

– Кеча фалончи набирасини узатди, сени ҳам Худо шундай кунларга етказсин, – деганларича тўрт-беш донагина туршакми, ёнғоқми олиб қўлимга тутқазардилар.

Бир йилда икки-уч бор шаҳарга, уйимизга тушганларида ҳам албатта сутли нондан ташқари чўнтакларининг бурчакларида менга «аталгани» бўларди, уни минг тилаклар билан узатардилар. Ўша кезларда онам илинган шу нарсалар мен учун ширин, оламдаги энг тотли неъматдек туюлиб кетарди.

ГИНА

Вилоят радио-телевидениесида ишлаётган кезларим эди. Уйга борсам, отам, акам, укаларим, келину келинойим – ҳаммаси онамнинг радиокарнай ёнидан кетмай қолганликларини кула-кула айтишарди. Агар менинг муҳаррирлигимда ёки ўзим тайёрлаган эшиттириш қўйилса, ҳовлимиздагиларнинг барини ҳатто, кичик жиянларимгача тўплаб олиб мажбуран тинглатарканлар. Бир сафар борганимда ранжиган бўлдилар:

– Ўтган куни телевизорда кўриндинг. Менга қараб гапиряпсану «ҳа, онажон, қалайсиз, соғ-саломатмисиз», – деб сўраб қўярмикансан, деб роса оғзингни пойладим. Қаёқдаги нарсаларни жаврадинг, мени эсингга ҳам келтирмадинг. Иши кўп, ёдига келмагандирман-да десам, Хосият эгачим:

– Бола олдингда юрмаганидан кейин меҳриям узоқлашади-да, деб мени игнасиз санчиб олдилар. Кетганидан кейин ўтириб роса йиғладим.

Бошқа гал эса шундай дедилар:

– Сени радиода гапиради, деб айтишди. Гапирдинг ҳам. Тўхтаб-тўхтаб ҳам олдинг. Ҳеч бўлмаса, ана шу тўхтаган пайтингда бир оғиз: «онажон, мен тинчман, хавотир бўлманг», деб қўйсанг асаканг кетармиди, деб қаттиқ ранжидилар.

Саксондан ошган меҳри дарё онажонимга ўшанда ишимизни қандай тушунтирардим...

О.ЖУМАНАЗАРОВ

Рассом: А.ХАКИМОВ

СИР-СИНОАТГА ТЎЛА ДУНЁ

Сан-Франциско даги пиво заводларидан бирида қадимги Бобилда бундан 4000 йил бурун сопол тахтачага ёзиб қўйилган тавсия асосида пиво тайёрланди. Унинг таркибида арпа, солод, асал, нон, хурмо бор.

Қадимги бу ичимлик ҳаммага манзур бўлмоқда.

* * *

Австралиялик ғоввос Герхард Цаунер спортнинг янги тури – сув ости чанғисини тавсия этади. Чанғи оғир қўрғошин тахтачадан ясалган бўлиб, аквалангчи у билан сувнинг энг чуқур ерига ҳам сирпаниб бора олади.

* * *

Мексикалик шифокорлар халқ табобатида фойдаланиладиган бир қанча шифобахш гиёҳларни текшириб кўрдилар. Уларнинг фикрича, кактуснинг опунция деган турининг қайнатмаси қанд касаллигини даволашда яхши ёрдам берар экан.

Албатта, инсулин дориси ўрнини бутунлай кактус билан алмаштириш мумкин эмас. Лекин кактус қайнатмаси инсулин истеъмол қилишни анча камайтиради.

Ним табассум

Кичкина бекатда навбатчи йўловчига уқтиряпти.

– Тошкентга борадиган тезюрар поезд ўн дақиқадан кейин ўтади, пассажир поезди эса уч соатдан кейин бўлади. Пассажир поездида кетганингиз маъқул.

– Нега?

– Чунки тезюрар поезд бизнинг бекатда тўхтамайди.

* * *

– Нима деб ўйлайсиз, нега темир йўлидагига қараганда машина йўлларда авария кўпроқ?

– Бунинг икки сабаби бор. Биринчидан, ҳеч қайси паравоз иккинчи паравозни қувиб ўтмайди. Иккинчидан, паравоз ҳайдовчининг ўт ёқувчи билан ўпишганини ҳеч кўрганмисиз?

* * *

Пойга натижаларидан ранжиган от эгаси чавандозга дейди:

– Нима бало, тезроқ югурсангиз бўлмасмиди?

– Мен-ку югурардим-а, лекин қоидага кўра отдан тушишим мумкин эмас-да.

* * *

Икки хотин гаплашяпти.

– Қизиқ, илгари эркаклар аёлларни нимаси билан мафтун қилганийкин?

– Илгари деганинг қачон?

– Пулни ичиро қилишларидан аввал-да...

* * *

– Нима гап ўзи? – деб сўрайди бир ҳайвон ўргатувчи иккинчисидан. – Бутун умринг давомида сичқонлар билан шуғулланган эдинг. Энди эшитсам, филга ўтганмишсан.

– На чора? – деб хўрсинади биринчи ҳайвон ўргатувчи. – Қарияпман, дўстим. Кўзимнинг мазаси қочди.

* * *

Ғазабланган хотин ичиб келган эридан пешонасини ким тишлаганини сўраяпти:

–Ўзим тишлагандирман-да...

– Ўзим! Қандай қилиб оғзинг пешонангга етди?

– Нарвон билан секин чиқдим-да...

* * *

– Эрингдан ажрашмабсан, шекилли? Орамизда ҳамма нарса тамом бўлди деган эдинг-ку? – сўради дугонаси.

– Биласанми, биз судга боришимиз керак эди. Аммо кечқурун телевизор бузилиб қолди. Нима қилиш керак? Бутун оқшом давомида гаплашиб ўтирдик. Қарасам, эрим бинойидек одам экан.

* * *

Бошлиқ ҳузурига котибаси билан ходимини чақирибди:

– Ойимқиз, котибият бошлиғи Абдуллаев шикоят қилди, сиз ишга ҳаддан ташқари калта юбкада келармишсиз. Мен бунга чидаб туролмайман! Жаноб Абдуллаев, ишдан бўшадингиз.

* * *

– Қаёққа ўқишга кирдинг?

– Тиббиёт институтига.

– Яхши бўлибди. Мен ветеринария институтига кирдим. Ўқишни битирсак, бир-биримизни муолажа қилиб юрамиз...

* * *

Ёш драматургнинг пьесасини одамлар совуққина кутиб олишди. Яқинлари унга тасалли беришди. Ниҳоят, ёш муаллиф тақдирга тан бергандай бўлди.

– Шукур қилсам бўлади, хуштак-бозлик бўлгани йўқ-ку! – деди у.

– Ҳа, албатта. Бундай бўлмасди ҳам. Чунки бир вақтнинг ўзида ҳам эснаб, ҳам хуштак чалиб бўлмайди.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00

Топширилди -

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 16184 Буюртма Г— 717 23456